**МУРУВВАТДАН ҚУВОНГАН ҚАЛБЛАР**

Вилоятимиздаги ижтимоий муҳофазага муҳтож фуқароларнинг тегишли корхона ва ҳомий ташкилотлар ҳамда саховатпеша инсонларга бириктириб қўйилгани уларнинг оилавий шароитлари ўнгланишида асқатмоқда. 3 бет

**УМР — СИНОВ, ҲАЁТ — МУАЛЛИМ**

Оила — муқаддас маскан. Уни хоҳлаганда қуриб, хоҳламаганда бузиб ташлаб бўлмайди. Отаси жиззаки, тажанг бўлса, фарзанди айбдор эмас-ку. 6 бет

**«ТАЙЁР ДИПЛОМ КЕРАКМИ?..»**

Жиноий гуруҳ аъзолари қалбаки диплом сотишдан келаётган даромадга қаноат қилмай қўйишган. Очкўзлик, мол-дунёга муккасидан кетиш уларни янгидан-янги усулларни қўллаб янаям кўпроқ пул топишга ундайди. 7 бет

МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

41 (747)

ISSN 2010-7013

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви нашри | 2010 йил 14 октябрь. Пайшанба | 1996 йилдан чиқа бошлаган

## ТОШКЕНТ – ЖАҲОН ПАХТА БИЗНЕСИ МАРКАЗИ

### Пойтахтимизда 13 октябрь куни VI Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси бошланди

**Ўзбекистон бугун жаҳон пахта бозоридаги етакчи мамлакатлардан бўлиб, пахта етиштириш бўйича олтинчи, уни экспорт қилиш бўйича учинчи ўринда туради. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ўтказиб келинаётган ва пойтахтимизда очилган VI Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси мамлакатимизнинг ушбу соҳадаги ўзаро манфаатли ташқи савдо ҳамкорлигини янада ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга хизмат қилади.**

Ярмарка Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази кўмагида ташкил этилди.

VI Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасининг очилишида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар барча соҳаларда, жумладан, пахтачиликда юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Бу, айниқса, дунёнинг кўпгина давлатларига салбий таъсир кўрсатаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида яққол намоён бўлмоқда. Мазкур мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда ўз ривожланиш моделининг амалга оширилиши натижасида ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсиши кузатилмоқда. Ўтган йили бу кўрсаткич 8,1 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмида 8 фоиз бўлди. Айни пайтда миллий иқтисодиётимизнинг барча жабҳалари, жумладан, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларнинг мувозанатли ривожланиши таъминланмоқда. Мамлакатимизда мазкур тармоқларни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, замонавий пахта ишлаб чиқариш, пахта толасини халқаро стандартларга мувофиқ қайта ишлаш ва сотиш комплексини ташкил этишга қаратилган улкан ўзгаришлар амалга оширилди.

Шу боис юқори сифати бутун дунёда эътироф этилган ўзбек толасига бўлган эҳтиёж жаҳон бозорларида мунтазам ортиб бораётир. Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси иштирокчиларининг сони йил сайин кўпайиб бораётгани ҳам шундан далолатдир. Мисол учун, 2005 йилда 30 мамлакатдан 170 га яқин трейдерлик ва тўқимачилик компаниялари қатнашган бўлса, 2009 йилда қарийб 500 компания иштирок этди. Бу йил эса ушбу анжуманга 34 давлатдан 300 дан зиёд компания ва Ўзбекистоннинг пахта бизнеси соҳасида фаолият кўрсатаётган 500 дан ортиқ хорижий ҳамкорлари ташриф буюрди. Айни вақтда ўзбек пахтасини етказиб бериш кўлами тобора кенгайиб, дунёнинг янги-янги минтақаларини қамраб олмоқда. Пахта бизнеси бўйича Ўзбекистоннинг ҳамкорлари орасида тўқимачилик саноати жадал ривожланаётган Жануби-шарқий ва Жанубий Осиё мамлакатлари компаниялари кўпчиликни ташкил этади. Таъкидлаш жоизки, ўзбек пахтаси ўзининг юқори ликвидлиги билан ажралиб туради. Толанинг таклиф этилаётган жами ҳажми тўла харид қилинмоқда, ярмарка давомида бўлғуси ҳосилнинг бир қисмини етказиб бериш бўйича ҳам шартномалар тузилмоқда.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ > [2]



Балиқчи туманидаги «Балтексгранд» масъулияти чекланган жамиятида тўқилаётган трикотаж матолари харидорларга манзур бўлмоқда. Жорий йилнинг февраль ойида ўз фаолиятини бошлаган ушбу корхонада ўн икки нафар йигит-қиз иш билан таъминланди.

СУРАТДА: «Балтексгранд» масъулияти чекланган жамияти тўқувчиси Шаҳло Ҳаитова.

Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

## ТАРИХИЙ МЕРОСНИ АСРАШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

**Пойтахтимизда давом этаётган "Art Week Style.Uz" санъат ҳафталиги доирасида "Тарихий-маданий меросни асраш: назария, амалиёт ва коллекциялаш" мавзуида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

Унда Ўзбекистон, Франция, Испания, Япония, Туркманистондан археологлар, санъатшунослар, маданиятшунос ва этнографлар, музейлар ходимлари иштирок этди.

Анжуманда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда миллий анъана ва қадриятларни тиклаш, аждодларимизнинг бой маънавий ва илмий меросини асраб-авайлаш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Бу жиҳатлар кўҳна шаҳарлар тарихини атрофлича ўрганиш, уларни қайта тиклаш ва таъмирлаш борасидаги эзгу ишларда янада ёрқинроқ намоён бўлаётир.

— Ўзбекистоннинг тарихи бой ва жуда бетакрор, — дейди япониялик археолог Кюдзо Като. — Уни атрофлича ўрганиш мобайнида аниқланган Буюк Ипак йўли тарихига дахлдор ноёб маълумотлар тарих, археология, санъатшунослик фанларининг янада бойиши ва кенгайишида алоҳида аҳамият касб этади. Бу эса Ватанингиз жаҳон илм-фани, маданияти ривожида муҳим ўрин тутганидан далолат. Мен кўп йиллар мобайнида Далварзинтепа, Қоратепа каби тарихий ёдгорликларда ўзбек олимлари билан ҳамкорликда олиб борган илмий изланишларим жараёнида бунга яна бир карра амин бўлдим.

Анжуманда тарихий-маданий меросни ўрганиш, тарғиб этиш, бунда замонавий технологиялардан фойдаланишга оид маърузалар тингланди. Ушбу соҳага доир халқаро ҳамкорликни янада кучайтириш ва мустаҳкамлашнинг истиқболлари белгилаб олинди.

Анжуман доирасида Ёшлар ижод саройида «Қанҳа шаҳарчаси: ўтмиш ва замон» мавзуида кўргазма ташкил этилди. Кўргазмада Тошкент вилоятидаги Қанҳа археологик мажмуасига уюштирилган экспедициядан тайёрланган фотосуратлар, у ердан топилган нодир ашёлар, рўзғор ва зеб-зийнат буюмлари намойиш этилмоқда.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Ҳафта мавзуси

## ЖАМҒАРМА РЕСПУБЛИКА БОШҚАРУВИДА

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги "2010—2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ижро учун қабул қилинди. Мазкур қарордан келиб чиққан ҳолда давлат дастурининг тегишли бандлари ижросини таъминлаш юзасидан аниқ чоратадбирлар белгилаб олинди.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги Яраштириш комиссиялар тўғрисидаги Низом"нинг янги таҳрирдаги лойиҳаси атрофлича муҳокама этилиб, билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида қайта кўриб чиқилди.

Бундан ташқари кузги-қишки мавсумга тайёргарлик кўришда кам таъминланган оилалар, ногиронлар, ёлғиз қариялар уйларида кечиктириб бўлмайдиган таъмирлаш ишларини амалга ошириш, уларни қаттиқ ёқилғилар билан таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Мажлисда кун тартибидаги бошқа масалалар ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

**Мухбиримиз.**

Озод юртнинг бахтиёр болалари

## ИСТЕЪДОДЛАР КАМОЛ ТОПАР БУ ЎЛКАДА

**Озодликнинг, эркинликнинг энг тотли лаҳзаларини жажжи болаларнинг қувноқ кулгусию орзу-ҳаваслари янада теранроқ англайсан киши. Айниқса, уларнинг баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши учун кўрсатилаётган эътибор ва мурувватдан қалбингиз фахрга тўлади.**

Эртанинг умиди, эгалари бўлган бу ёшларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш, камолга етказиш ҳаракати юртимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан устувор вазифага айланган. Бунинг натижасини улар эришаётган халқаро миқёсдаги мусобақалардаги ғалабаларда, ютуқларда яққол кўриш мумкин. Энг муҳими, озод ва эркин жамиятдагина истеъдодлар, иқтидорлилар камолга етиб, муносиб ўрин топишига амин бўласиз.

Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги "Бободеҳқон" маҳалласида жойлашган Ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт маркази ана шундай қизиқувчи ёшлар билан доимо гавжум. Бу марказда ракетамодел, автомодел, дурадгорлик, ёғоч ўймакорлиги, самолётсозлик, бошланғич техник моделлаштириш, ёш архитектор, зардўзлик, гиламдўзлик, шахмат, тикувчилик, кемасозлик, рассомлик, фототехника, радиотехника, бисер тўқиш каби йигирмага яқин тўгараклар фаолият кўрсатмоқда.

— Ушбу ижодиёт марказимизга икки мингдан зиёд ўқувчи аъзо. Шундан мингдан ошиғи ўзимизнинг маҳалламиз фарзандлари, қолганлари атрофдаги мактабларнинг ўқувчилари. 30 нафар имконияти чекланган ўқувчиларга ҳам машғулот ўтиш учун шароитлар мавжуд. Уларнинг гиламдўзлик, каштачилик, бисер тўқиш, зардўзлик бўйича ижод намуналарини кўриб кўзингиз қувнайди, — дейди биз билан суҳбатда марказ директори Нуриддин ака Муҳидов, — Ахир, улар ҳам мустақил бўлгач, келажакда қандайдир ҳунар билан шуғулланиши керак-ку.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ > [2]



Маҳалла — уйимиз

## ЭЗГУ МАҚСАД САРИ ДОИМ БИРГАМИЗ

**Истиқлол йилларида мамлакатимизда мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз берди. Ҳар бир кунимиз янгиликлар билан бошланиб, хушхабарлар билан якунланяпти.**

Бундан қувонмай бўладими, ахир! Қишлоқ ва маҳаллаларимизнинг кун сайин янгиланиб, яшариб бораётгани ҳар бир инсонга қувонч ҳиссини бахш этади. Кўчаларимиз ободлигини, уй ва хонадонларимиз фаровонлигини, юртимиз чиройини кўриб, дилим яйрайди. Ана шулар ҳақида ўйлаганимда, аввало, бу ютуқларимиз замирида элимизнинг бир-бирига меҳр-оқибати, бағрикенглиги акс эттанини теран англайман.

Мен Гулистон шаҳрининг «Дўстлик» маҳалласида яшайман. Менинг маҳаллам ўз номига муносиб. Бу ерда ўзбеклар билан бир қаторда руслар, украинлар, татарлар, тожиклар, қирғизлар, қўйингки, 20 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳиллиқда яшаб келишяпти. Тўйларимиз, маросим ва маъракаларимизни биргаликда ўтказишга одатланганмиз. Миллатим татар бўлса-да, мен яшайдиган ва менинг номимни, шаънимни юқорига кўтараётган эл-юртнинг тилини, урф-одати ва анъаналарини чуқур ҳурмат қиламан.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ > [2]

Жамғарма кўмагида

## ҒАМХЎРЛИКДАН МИННАТДОРМИЗ

**Бугун ҳар биримиз ўз маҳалламиз билан фахрланса арзийди. Маҳалла бир хазина бўлса, унда яшайдиган фаоллар хайрли ишларни амалга оширадиган, тинч, осуда ҳаётимиз учун қайғурадиган, эзгу ва пок ниятларимизни, анъана, урф-одат ва миллий қадриятларимизни асровчи, тарғиб қилувчилардир.**

Юртимизда "Баркамол авлод йили" Давлат дастури асосида билимга чанқоқ ногирон ўқувчиларни ҳамда кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларига жиддий эътибор қаратилаётгани боис мурувватталаб инсонлар кўнгли ёришаётир.

Мен бир неча йиллардан буён уй-жой масаласида қийналиб келардим. Энди бу қийинчилик ортда қолди. Кам таъминланган оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида Когон шаҳар ҳокимлиги, "Маҳалла" хайрия жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви ҳамда шаҳар бўлинмасининг беғараз ёрдами туфайли тураржойли бўлдим. Албатта, бунда 4-"Зиробод" маҳалласи оқсоқоли К.Комиловнинг ҳам хизматлари катта бўлди. Ногирон қизим Муҳайёга эса компьютер жамланмаси совға қилишди. Фарзандим кулгусини, шодлигини кўриб, ич-ичимдан суюндим. Негаки, ҳар бир она учун ўз фарзанди қувончини, камолини кўришдан ўзга бахт бўлмаса керак.

Ҳукуматимиз, қолаверса, ҳомий ташкилотлар томонидан бизга кўрсатилаётган бундай ғамхўрликлардан мамнунмиз. Қизалоғим Муҳайё келгусида ўқиб-изланиб, ўз юрти, қолаверса, маҳалладошлари корига ярайдиган инсон бўлиб, юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшишига ишонаман.

**Лола ҚУРБОНОВА.**

Юксак маънавият – енгилмас куч

## ТАФАККУР, АДАБ ВА САХОВАТ УЙҒУНЛИГИ

**Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар урф-одатларимизнинг ажралмас қисмидир. Халқимиз бу тадбирларда энг эзгу орзулар ижобатини, ҳаёт мазмунини кўради. Аммо кўп ҳолларда бундай маросимларни ўтказишда кузатилаётган дабдабабозлик, исрофгарчилик ҳолатлари кишини ўйга толдиради.**

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети доценти, адабиётшунос, пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги «Бошлиқ» маҳалласи оқсоқолининг тўй-маърака ва маросимларни ўтказиш бўйича ёрдамчиси Файзуллахон НАБИЕВ билан суҳбатимиз ҳам мана шу масалалар хусусида бўлди.

— Халқимиз ҳамиша қувончли кунларимда эл-юртга дастурхон ёзиб, шодлигимни баҳам кўрсам, деган эзгу ният билан яшайди. Аммо бу эзгу орзу азиз умримизни ҳоюҳаваслар гирдобида қолдириш эвазига бўлса, ҳар жиҳатдан зиёндир, — дейди Ф.Набиев. — Мустақиллик шарофати билан миллий қадриятларимиз қадр топди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар, деб қатъий белгилаб қўйилган. Бош Қомусимизда ўз ифодасини топган ушбу қоида биз ҳаётимизни теран томирлари асрларга туташ миллий қадриятларимиз асосига қураётганимиздан далолатдир.

Бугун ривож топиб бораётган миллий қадриятларимиз силсиласида тўйларимиз ҳам ҳар жиҳатдан чиройли ўтаётир. Бу мамлакатимизда мустаҳкам қарор топган тинчлик, осойишталик ҳамда халқимиз фаровонлиги юксалиб бораётгани туфайлидир.

Давлатимиз раҳбарининг 1998 йил 28 октябрда қабул қилинган фармони тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ихчам ва содда тарзда ўтказишда биз учун дастуриламалдир. Бу борадаги тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишларини янада кучайтириш биз, маҳаллалар оқсоқолларининг, умуман, барча зиёлиларнинг бурчи ва вазифасидир.

ОИЛА ДАВРАСИДА > [6]

# ТОШКЕНТ – ЖАҲОН ПАХТА БИЗНЕСИ МАРКАЗИ

## Пойтахтимизда 13 октябрь куни VI Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси бошланди

< [1]

Бу галги ярмаркада жаҳон бозорларида, шу жумладан, пахта бозорида катта обрўга эга, Ўзбекистон билан ушбу соҳада ҳамкорлик кўламини кенгайтириш имкониятларини батафсил ўрганишдан манфаатдор етакчи хорижий экспертлар ҳам қатнашмоқда.

– Биз дунёнинг турли давлатларида етиштириладиган пахта толаси сифатини мунтазам мониторинг қилиб борамиз, – дейди «Cotton Outlook» халқаро агентлиги бош муҳаррири Р.Батлер. – Ўзбек пахтаси энг яхши халқаро стандартларга жавоб беради. Бу эса, ўз навбатида, истеъмолчиларга жуда мақбул келмоқда. Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли мамлакатингиз жаҳон пахта бозорининг энг йирик иштирокчиларидан бирига айланди. Тола ишлаб чиқариш даражаси барқарор сақланмоқда. Ҳолбуки, кўпгина пахта етиштирадиган бошқа мамлакатларда глобал инқироз оқибатида иқтисодиётнинг пасайиши сабабли пахта импорти ҳажми ортиб бораётир. Яна бир муҳим жиҳати, Ўзбекистонда пахтачилик экин майдонларини кенгайтириш ҳисобидан эмас, балки ишлаб чиқаришни такомиллаштириш орқали ривожлантирилмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатингизга жаҳон бозорида мустаҳкам ўрин эгаллаш имконини бермоқда. Биз Ўзбекистон бўйича барча маълумотларни дунёнинг кўпгина тилларида нашр этиладиган журналимизда мунтазам чоп этиб бормоқдамиз.

Ярмарка иштирокчилари янги ва истиқболли навларни яратиш, агротехник тадбирлар ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, пахта етиштиришдан то уни тайёрлаш, сертификатлаш, сақлаш ва транспортировка қилишгача бўлган барча жараёнларни ўз ичига олган Ўзбекистонда пахта саноатини янада ривожлантириш стратегияси билан танишиши мумкин.

Жорий йилда мамлакатимизда мўл пахта ҳосили етиштирилди. Бунда фермер ва деҳқонларимизнинг хизмати катта. Президентимиз Ислом Каримов томонидан қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида улар учун барча шарт-шароит яратилган. Мамлакатимизда фермерлик ҳаракати ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда, деҳқонларнинг ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлигини оширишга қаратилган пухта ўйланган техник ва молия-кредит сиёсати амалга оширилмоқда. Пахтанинг харид нархлари ошмоқда, фермерлар уруғлик, техника, материаллар билан таъминланган. Энг илғор ген технологияларидан самарали фойдаланаётган селекционерлар зараркунандаларга чидамли ҳамда республикамизнинг турли ҳудудлари тупроқ-иқлим шароитларига мос, эртапишар ва серҳосил, толаси узун янги навларни яратмоқда. Айни пайтда олий навли ўзбек пахтаси жаҳон бозорида талаб этилган микронейр даражасига тўла жавоб беради.

42 мамлакатни бирлаштирган Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасининг бошқарувчи директори А.Гитчунс дунё миқёсида катта аҳамиятга эга ушбу нуфузли пахта форумида мазкур ташкилотни тақдим этиш ўзига катта мамнуният бағишлашини таъкидлади. Бугунги кунда пахта селекциясининг биотехнологик услубларидан Ўзбекистонда ҳам, дунёнинг пахта етиштирадиган бошқа давлатларида ҳам фойдаланилмоқда. Жаҳон талабларига жавоб берадиган янги навларни яратиш жараёни эса жаҳон пахта саноатида кенг фойдаланилаётган биотехнологияларни қўллаш ҳисобидан янада тезлашмоқда.

Ярмаркада иштирокчилар жорий йилда мамлакатимиз пахта заводлари томонидан ишлаб чиқарилган пахта навлари толасининг 1200 дан ортиқ намунаси билан танишиши мумкин. «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази улар сотиб олаётган ҳар той пахта толасининг сифатини кафолатлайди. Пахта толаси тойлари HVI юқори технологик тизимлардан фойдаланилган ҳолда текширилмоқда. Марказнинг барча ҳудудий лабораториялари ушбу тизим билан жиҳозланган. Шуни айтиш жоизки, пахта етиштирадиган давлатларнинг кўпчилигида бундай замонавий ускуналар мавжуд эмас. Бу йилги ярмарка иштирокчилари «Сифат» марказининг Миллий маълумотлар базасига уланган компьютерлардан фойдаланиши мумкин. Ушбу маълумотлар базасида мамлакатимизда етиштириладиган барча пахта навлари толасининг сифати тўғрисида тўлиқ маълумотлар жамланган.

Ярмарка қатнашчилари Ўзбекистон жаҳон хўжалик муносабатларида энг ишончли ҳамкорлардан ҳисобланишини қайд этди. Бу эса мамлакатимиз билан ҳамкорликдан манфаатдорликни янада оширмоқда. Бунда илғор нарх сиёсати қўлланилаётгани, харид қилинган толани етказиб бериш кафолатлари таъминланганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Тўқимачилик корхоналарининг савдо агентлари ва вакиллари ярмаркада пахта толасини ўзлари учун маъқул бўлган вақт ҳамда нархларда транспортировка қилиш тўғрисида келишиб олишлари мумкин. Мамлакатимизда 23 ҳудудий пахта терминали, транспорт инфратузилмаси ва кенг тармоқли йўналишлардан иборат замонавий логистика тизими муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Ушбу тизимда ўзбек толасини етказиб бериш кўламининг мунтазам кенгайиб бораётгани ҳисобга олинган ҳолда янги транспорт йўналишларини ишлаб чиқиш давом этмоқда. Бу жараёнда йирик халқаро логистика марказлари ҳам иштирок этаётир.

Ярмарканинг очилишида сўзга чиққан Хитой пахта уюшмасининг сақлаш ва логистика бўлими президенти Х.Ванг, жаҳон логистика тизимига кирадиган Дубай пахта маркази директори К.Рамамурти (Бирлашган Араб Амирликлари), Японияннинг «Иточу Корпорейшн» компаниясининг тўқимачилик департаменти бош менежери С.Айму ва бошқа хорижий иштирокчилар буни алоҳида таъкидладилар.

Шунингдек, улар Ўзбекистон тўқимачилик саноати жадал ривожланаётгани туфайли етиштирилган толанинг ички истеъмоли ошиб бораётгани муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этдилар. Бу халқаро бозорларда рақобат ортиб бораётган бир пайтда иқтисодий ўзгаришларга комплекс ёндашилаётганидан далолатдир.

Шуниси эътиборлики, Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида тола намуналаридан ташқари, тўқимачилик корхоналаримизнинг маҳсулотлари – калава, матолар, тайёр буюмлар илк бор кенг намойиш этилмоқда. Тўқимачилик ярмаркаси экспозицияси «Ўзэкспормарказ»нинг алоҳида павильонидан жой олган. Ярмаркада ушбу маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича қиймати қарийб 500 миллион АҚШ долларига тенг шартномалар тузилиши кутилмоқда. Мамлакатимиз тўқимачилик саноатини ривожлантириш, ўзимизда етиштирилган пахтадан қўшимча қийматга эга рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга устувор эътибор қаратилмоқда. Тармоқ салоҳияти мунтазам ортиб бормоқда, унда фаолият кўрсатаётган 240 дан ортиқ корхона ҳар йили қарийб 400 минг тонна пахта толасини қайта ишламоқда. Қўшма корхоналар сони, инвестициялар, жумладан хорижий инвестициялар оқими кўпаймоқда, илғор технологияларни жорий қилиш ҳисобидан ишлаб чиқариш чуқур модернизация қилинмоқда. Буларнинг барчаси яқин келажакда ўзбек толасининг ярмидан кўпини бевосита мамлакатимиз корхоналарида чуқур қайта ишлашни таъминлаш учун мустаҳкам база ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, пахтани экспорт қилишдан ташқари, жаҳон бозорида харидоргир пахтадан тайёрланган рақобатбардош маҳсулотларни сотишни кўпайтириш имконини беради.

Жорий йилдан бошлаб, Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасининг тўқимачилик маҳсулотлари савдосини ўтказиш ҳам анъанага айланади. Бир пайтнинг ўзида Тошкентда ярмарка билан бирга Пахта ва тўқимачилик бўйича халқаро конференция бўлиб ўтади.

"Cotton Bangladesh" халқаро агентлиги бош муҳаррири К.Ахсан Ўзбекистон раҳбарияти юритаётган иқтисодий сиёсат ташқи савдо ҳамкорлигини барқарор ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратаётганини таъкидлади. Эксперт, хусусан, ўзбек пахтасининг юқори техник хусусиятлари ва уни сотиш шартлари Бангладеш тўқимачилик корхоналарига жуда маъқул эканини қайд этди. Ўзбекистон Бангладеш тўқимачилик саноати учун зарур хомашёнинг 40 фоизини етказиб беради. Эксперт бундай ўзаро манфаатли ҳамкорлик истиқболда ҳам ривожланишига умид билдирди. Бангладешлик ҳамкорларимиз Ўзбекистонда етиштирилган пахтани воситачилар орқали эмас, балки тўғридан-тўғри – Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида сотиб олиш имконига эга бўлдилар.

Ярмарка қатнашчилари Ўзбекистон иқтисодиётининг пахтачилик секторида амалга оширилаётган ислоҳотлар бераётган юксак самараларни бевосита кўришлари мумкин. Улар Янгийўл пахтани қайта ишлаш заводи, "Тошкент-Тола" пахта терминали, пойтахт вилоятидаги «ТошБруннентекс» қўшма корхонаси фаолияти билан танишадилар.

Ўзбекистон халқаро иқтисодий ҳамкорлик доирасида хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш борасида янгидан-янги амалий ташаббусларни илгари сурмоқда. VI Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси, шубҳасиз, жаҳон пахта бозорида муҳим воқеадир. Ярмарка давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда етиштирилган пахтани сотиш механизмини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган вазифаларни бажаришга салмоқли ҳисса қўшади ва умуман, миллий иқтисодиётимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни чуқурлаштириш, юртимизнинг халқаро майдонда рақобатбардошлиги ва нуфузини янада юксалтиришга хизмат қилади.

VI Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасининг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Озод юртнинг бахтиёр болалари

# ИСТЕЪДОДЛАР КАМОЛ ТОПАР БУ ЎЛКАДА

< [1]

Болаларни бундай тўгаракларга янада кўпроқ жалб этиш учун яқинда "Очиқ эшиклар" кунини ўтказдик. Тез-тез кўчма кўргазмалар ташкил қиламиз. Мактабларга бориб, у ердаги ўқувчиларга ишларимизни кўрсатиб, уларда қизиқиш уйғотамиз, биргаликда ҳар хил буюмлар ясаймиз, кашта, гиламларни тикиб-тўқиб кўрсатамиз. Натижада машғулотларга қатнашадиган ёшлар сафи кенгаяди.

Дарҳақиқат, ижодиёт марказидаги тўгаракларни ташкил этишдан мақсад — ёшларни болалигиданоқ бирор касбга, ҳунарга йўналтириш, қизиқтиришдан иборат. Ахир, иқтидорли, истеъдодли ёшларимиз мана шундай тўгарак ва марказларда кашф қилинади.

Машғулот ўтаётган болаларнинг ёнига бориб ижод намуналари билан танишдик. Уларнинг техникага ҳавасини спорт мусобақаларига тайёрлаб қўйилган парашютли ракеталар, кема, самолёт моделларидан, табиатга меҳрини ҳар хил манзаралар тасвирланган гилам, кашталару ёғочдан ясалган турли хил буюмларидан билса бўлади. Матоларга, миллий либосларимизга жажжи қўллари билан жило бериб тиккан кашталарининг нафислиги ҳайратга солади, кишини. Уларнинг ижодкорлигига, истеъдодига қойил қоласиз.

— Мен мана бу кемани ўзим ясадим, — дейди 246-мактаб ўқувчиси Минг Владик. — Буни мен устозимга совға қилмоқчиман.

— Мана бу гиламни ўз қўлларим билан тўқиб, кўргазмаларда қатнашмоқчиман,— дейди Дилфуза исмли қизалоқ. — Одамлар мен каби ногирон болалар ҳам кўп нарсаларга қодирлигини билиб қўйишларини истайман.

— Мана бу ракеталарим билан бир нечта мусобақаларда қатнашиб фахрли ўринларни олганман, — дейди 288-мактаб ўқувчиси Николай Бондаренко. — Шу боис улар мен учун жуда қадрли. Агар ракеталарнинг моделини ясашда озгина хатоликка йўл қўйсангиз ҳам у учмайди.

— Фарзандим етти ёшда. Боғчага қатнаётган пайтидаёқ расм чизишга иштиёқини кўриб, шу ерга олиб келдим. Тўгаракка қатнаша бошлагандан бери анча нарсаларни ўрганди, — дейди Азизбекнинг онаси Зулфия Каримова. — Ажабмас, келажакда у иқтидорли рассом бўлиб етишса.

Ижодиёт уйининг қизғин фаолияти билан танишиб юриб, маҳалла оқсоқолини ҳам шу ерда учратиб қолдик.

— Неварам бир неча йилдан буён марказнинг ракета ва автомодель тўгарагига қатнашади,— дейди "Бободеҳқон" маҳалласи раиси Турғун ака Қодиров. — Шу баҳона маҳалламиз болаларининг ишларини кузатаман, уларнинг ютуқларини кўриб фахрланаман. Маҳалламизда ўтказиладиган ҳар бир тадбирда ота-оналарга фарзандларини тўгаракларга аъзо қилишларини таъкидлаб ўтишни канда қилмаймиз. Ушбу Ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт маркази ташкил топганидан буён, шу давр мобайнида қанчадан қанча қобилиятли ёшлар кашф қилинди.

© фото-Носир Ҳайдаров

Улар кўплаб мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллашди. Мана шу марказ туфайли маҳалламизда безорилик қилиб рўйхатда турадиганлар йўқ. Менимча, интернет-кафеларда кунини бекор ўтказгандан кўра шу ерда фойдали машғулотлар билан шуғулланган яхши-ку.

Ижодиёт марказининг маҳалламиз идорасига яқинлиги бизга жуда қўл келади. Маҳалламизга ҳомийларимиз томонидан қуриб берилган болалар спорт майдончасини ушбу ижодиёт маркази тасарруфига ўтказдик. Марказ "Ниҳол" футбол жамоасини тузиб, уни икки нафар мураббий билан таъминлади. Мазкур жамоамиз маҳаллалараро ўтказилган "Футболимиз келажаги" мусобақасида Республикада фахрли иккинчи ўринни эгаллади...

Қизиқиш ҳавасдан бошланади, ҳавас эса боланинг иқтидорини юзага чиқаришига шубҳа йўқ. Ушбу марказдаги ёшлар сиймосида эртанги кунимизга ишонч ва умидни кўргандек бўласиз. Орзулари осмон қадар юксак бундай ўғил-қизларнинг юртимизда кўплигини ҳис этиб қалбингиз тўлқинланади.

**Барно СУЛТОНОВА,**
**«Mahalla« мухбири.**

Сўз – ярмарка иштирокчиларига

# ЖАҲОН БОЗОРИДА ЎЗБЕК ПАХТАСИГА ТАЛАБ ЖУДА ЮҚОРИ

Тошкентда 13 октябрь куни VI Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси очилди. ЎзА мухбирлари ярмарканинг айрим хорижий иштирокчилари билан суҳбатда бўлди.

**Раис УСТАДХОН, "Herawi UK" компанияси бош менежери (Англия):**

– Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида биринчи марта иштирок этяпман. Довруғи дунёда машҳур ўзбек пахта толасидан 10 минг тонна сотиб олиш бўйича шартнома тузиш ниятидамиз. Ўзбек пахтаси халқаро андозаларга тўлиқ жавоб беради. У юқори сифати, пишиқлиги билан ажралиб туради. Шу боис Ўзбекистон пахтасининг жаҳон бозоридаги мавқеи йил сайин ортиб бораётир.

**Муҳаммад Абдул РАҲИМ, "DBL" компанияси директори (Бангладеш):**

– Ўзбекистон билан Бангладеш ўртасида пахтачилик соҳасидаги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Ўзбекистонлик пахта етказиб берувчилар билан бевосита алоқа ўрнатишдан ғоят манфаатдормиз. Ўзбек пахтасининг сифати аъло даражада. Шу боис Бангладешда ўзбек пахтасига талаб йил сайин ошмоқда.

Анжуман юксак савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Иштирокчилар ўзбек пахтасининг юқори сифатини таъминловчи омиллар билан танишиш, фикр ва тажриба алмашиш имконига эга. Ушбу анъанавий ярмарка нафақат Ўзбекистон иқтисодиётини тараққий эттиришга, балки жаҳон пахта савдосини ривожлантиришга ҳам катта ҳисса қўшади.

**Муҳаммад ФАРҒОНИЙ, "Parsvadi" компанияси бош директори (Эрон):**

– Эронда Ўзбекистон пахта бозорига қизиқиш катта. Компаниямиз пахта савдоси билан шуғулланади. Юртингизда пахтачилик жадал ривожланиб бормоқда. Ушбу ярмарка мамлакатингизнинг жаҳон пахта бозорида энг етакчи ўринлардан бирида туришини яна бир бор тасдиқлади. Ўзбек пахтаси Эрон саноати талабларига тўла жавоб беради. Мамлакатларимизнинг жўғрофий яқинлиги пахта етказиб бериш ишларини осонлаштиради ва савдо алоқаларимиз янада ривожланишига хизмат қилади. Ярмаркага 80-90 минг тонна пахта толаси харид қилиш ниятида келдик.

**Павел МАЙОРОВ, "FCA Cotexim" компанияси савдо директори (Россия):**

– Компаниямиз ўзбекистонлик шериклар билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ушбу ярмаркада иштирок этаётган хорижлик тадбиркорлар сони тобора кўпаяётгани юртингизда етиштирилаётган пахтага талаб ошиб бораётганидан далолатдир. Жаҳон бозорида ўзбек пахтасининг мавқеи жуда баланд. Шу боис у ғоят харидоргир. Россияда қайта ишланадиган пахтанинг ярмидан кўпи Ўзбекистондан келтирилади.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, мамлакатингизда пахтачилик соҳасини мунтазам такомиллаштириб боришга, ишлаб чиқаришни модернизация қилишга, селекция ишларини тўғри йўлга қўйишга, сифатли ва рақобатбардош пахта толаси тайёрлашга қаратилаётган доимий эътибордан ибрат олса арзийди.

**ЎзА мухбирлари ёзиб олди.**

## Республикамиз маҳаллаларида

### ИЧИМЛИК СУВИ ОЛИБ КЕЛИНДИ

**ЖИЗЗАХ** вилояти Фориш туманининг «Янгиқишлоқ» шаҳарчасидаги «Ўзбекистон» маҳалласига 6,2 километр узунликда янги сув қувурлари тортилди. Бу ишларни амалга ошириш мақсадида банк ҳисобидан 114,3 миллион сўм маблағ ажратилди.

Эндиликда маҳаллий аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган талаби қондирилди.

**А.ҚАРШИЕВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

### ЗАМОНАВИЙ ТЎЙХОНА ҚУРИЛДИ

**ҚАШҚАДАРЁ** вилояти Деҳқонобод шаҳарчасида миллий меъморчилигимиз асосида бунёд этилган, барча шарт-шароит ва қулайликларга эга замонавий тўйхона фойдаланишга топширилди.

Турли маросим ва тадбирлар ўтказишга мўлжалланган 350 ўринли бу мажмуа "Сабрина комфорт ишонч" хусусий фирмаси томонидан бунёд этилди.

Лойиҳа қиймати 128 миллион сўмни ташкил этган мажмуа шаҳарчадаги маҳаллалар аҳолисига тўй-маъракаларини тартибли ўтказиш имкониятини яратди.

**А.БЕККАМОВ.**

### ҲАШАР БИЛАН ЮРТ ОБОД

**ПОЙТАХТ**имизнинг Шайхонтоҳур туманидаги "Каттаҳовуз" маҳалласида ҳашар уюштирилди. Унда маҳалла фаоллари, кўча бошлиқлари, нуронийлар, ёшлар фаол иштирок этиб, ҳудудни обод қилишдек хайрли ишларга бош қўшишди.

— Ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларида ҳашар ўтказиш анъанага айланган, — дейди маҳалла маслаҳатчиси Мунаввар Раҳимова. — Ушбу эзгу анъананинг бардавомлиги боис гўшамиз таровати кундан кунга гўзаллашмоқда.

Ҳашар давомида кўчакўй, ариқ ва лотоклар тозаланиб, дарахтларга шакл берилди. Энг муҳими, маҳалладаги кам таъминланган, ёлғиз қарияларнинг турар-жойлари фаоллар ташаббуси, ёшлар кўмаги билан таъмирлаб берилди.

**Мухбиримиз.**

Маҳалла — уйимиз

# ЭЗГУ МАҚСАД САРИ ДОИМ БИРГАМИЗ

< [1]

Мен оддий ўқитувчиман. Тошкент давлат жисмоний тарбия ва спорт институтини битириб, ўзим ўқиган мактабда 20 йилдирки, ўқувчиларга жисмоний тарбия ва спортдан сабоқ бериб келаман. Қишлоғимиз болалари спортни яхши кўришади. Бу ердан спортнинг кўпгина турлари бўйича шаҳар ва вилоят чемпионлари етишиб чиққан.

Муҳтарам Президентимизнинг «Қишлоқ жойлардаги болалар спорти объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори кучимга куч, қувватимга қувват қўшди.

Соғлом турмуш тарзи бу — ҳаммамиз истаган ва давлат миқёсига кўтарилган масала эканлигини ўзим ишлайдиган мактаб ўқувчиларига, ўқитувчи ҳамкасбларимга, маҳалладошларимга айтишдан асло чарчамайман. Қишлоғимизда уй бекалари ва қизлар учун спорт тўгараклари ташкил этилган. Маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда оилалар ўртасида спортни оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз», «Маҳалламиз паҳлавонлари» каби спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Шу билан бирга маҳалламиз равнақига ҳисса қўшган азиз инсонлар хотирасига бағишлаб волейбол, футбол, югуриш, узунликка сакраш ва спортнинг бошқа турлари бўйича хотира турнирлари ҳам ташкил этилган.

Маҳалла ишларида фаол бўлишни, унинг ривожига баҳолиқудрат ҳиссамни қўшишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман. Айниқса, маҳалламизда яшовчи 124 нафар меҳнат фахрийси сафига қўшилиб, ёшлар ўртасида миллий урф-одатлар, қадриятлар ва анъаналар тарғиботи билан машғулмиз.

«Оила — маҳалла — мактаб» ҳамкорлиги асосида маҳалла фуқаролар йиғини билан биргаликда кам таъминланган кўп болали оилалар, ногиронлар, ёлғиз қариялар ва меҳнат фахрийларининг ҳолидан хабар олиб турибмиз. Куз-қиш мавсуми олдидан юқори синф ўқувчиларининг ташаббуси билан 12 нафар якка-ёлғиз қарияларнинг уй-жойларини таъмирлаб бериб, уларнинг ҳовлисида ободонлаштириш ишларини амалга оширдик.

Маҳалламизда амалга оширилаётган эзгу ва хайрли ишларнинг адоғи йўқ. Энг муҳими, биз бир-биримизни тушуниб, улуғ мақсадлар йўлида бирга ишлаяпмиз. Менимча, энг муҳими ҳам шу.

**Решиде АБЛЯЕВА,**
**«Дўстлик» ордени соҳибаси.**

Намунали маҳалла

# ҲАР БИР ИШДА ИБРАТ КЎРСАТИБ...

**Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳридаги "Оқсарой" маҳалласига кириб борганимизда қизғин тайёргарлик ишлари устидан чиқдик. Эрта тонгдан йўлларга, ҳовлиларга сув сепилиб, супуриб-сидирилган, ҳаммаёқ озода. Қиз-жувонлар, ёшларнинг қўли-қўлига тегмайди. Билсак, шу куни бу ерда "Нуроний" ва "Маҳалла" хайрия жамғармасининг шаҳар бўлинмалари ҳамкорлигида ободончилик ишлари билан бирга йил дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросига бағишлаб йиғилиш ўтказишга тайёргарлик кўрилаётган экан.**

Катта дарвоза олдида бизни узун бўйли, қорачадан келган, хушмуомала киши кутиб олиб, ўзини Фозил Каримов, шу маҳалланинг оқсоқоли, деб таништирди. Оқсоқол бизни маҳалла марказига бошлар экан, кенг ва ёруғ, шинам безатилган хоналарни бирма-бир кўрсатиб, маҳалла ҳаётини таърифлай бошлади.

— Маҳалла биносига киришдаги мана бу жой қабулхона, — дейди Фозил ака. — Фуқаролар бирор-бир мурожаат билан келишса, шу ерда ходимлар билан маслаҳатлашиб, муаммосини ҳал этишади.

Биз эса хонадаги стендларга назар ташлаймиз. "Ўтганларнинг хотираси қалбимизда" номли стендда йиғин ишларида фаол иштирок этган фидойи инсонларнинг суратлари, таржимаи ҳоллари ёзилган. Бошқа бир кўргазмали плакатларда эса "Маҳалламиз фахрийлари", "Маҳалла ҳаётидан лавҳалар" ўз аксини топган.

Шундан сўнг "Нуроний" жамоатчилик марказига раҳбарлик қилаётган фахрий Абдуфаттоҳ Абдураҳмонов фаолияти, шунингдек, маҳалла оқсоқоли, маслаҳатчиси, Яраштириш комиссияси, масъул котиб, маҳалла посбони хоналарини ҳам кўздан кечирдик. Ҳар бир хонанинг дид билан безатилгани, уларда шарт-шароит ва қулайликлар муҳайёлиги бизда катта таассурот қолдирди.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фозил Каримов билан гурунглашдик.

— Маҳалламизда 12 та кўча, 736 та хонадон, 1020 нафар оила бор. Жами 4 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади, — дейди Фозил ака. — Ҳудудимизда "Тинчлик" номидаги мактабгача таълим муассасаси, "Висол" тўйхонаси, қурилиш бозори ҳамда кўплаб савдо, маиший ва сервис хизмати кўрсатиш шохобчалари, тикув цехлари фаолият кўрсатаётир. Асосий эътиборимизни ҳудуддаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, кўп болали оилалар, кекса фахрийлар, жисмоний имконияти чекланганларга моддий кўмак беришга қаратганмиз. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар рўйхати тузилган. Айни пайтда маҳалламизда 40 нафарга яқин кам таъминланган оила бор. Уларнинг бизга берган аризалари белгиланган меъёрий ҳужжатлар асосида ўрганилади ва натижасига кўра қарорлар қабул қилиб борилади. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ижтимоий ҳимоя учун 3,5 миллион сўмлик моддий ёрдам ажратилди. Моддий ёрдам ажратиш бўйича тушган ҳар бир ариза махсус комиссиялар иштирокида кўриб чиқилади.

Маҳалла фаолларининг яна бир ютуғи шундаки, улар кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар ва ногиронларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга тадбиркорларни жалб этишган. Чунончи, хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, ўзгалар корига яраётган Анваржон Юнусов ўз ҳисобидан ўнлаб кам таъминланган оилага ун, гўшт ва бошқа кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини олиб берди. Мустақиллигимизнинг 19 йиллик шодиёнаси муносабати билан юзга яқин маҳалла фахрийлари, нуроний отахон ва онахонларни байрам дастурхонига таклиф этиб, тадбир сўнгида уларнинг ҳар бирига кийим-кечаклар ҳадя қилинди. Шу куни фаоллар ва тадбиркорлар ётиб қолган бемор кексалар, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олишиб, уларга ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатишди.

Оқсоқолнинг таъкидлашича, ҳар бир хайрли тадбирни амалга оширишда маҳалла фаоллари, шу жумладан, кўча бошлиқлари, фахрийлар, тиббиёт ходимлари ўзларини четга олишмайди. Улар маҳалла ободлиги йўлида кўмаклашади. Айниқса, маҳаллада, оилаларда соғлом маънавий муҳитни қарор топтиришда, маърифий тадбирларни ўтказишда маҳалла маслаҳатчиси Дилфуза Холмуродованинг хизматлари катта бўляпти.

Шу пайт бир хонадонда юзага келган муаммони муроса йўли билан ҳал этиб келаётган Дилфуза суҳбатимизга қўшилди.

— Маҳалламизда хайрли ишлар кўп. "Оила — маҳалла — мактаб" концепцияси асосида умумтаълим мактаблари мутасаддилари, қолаверса, ФҲДЁ ходимлари, тиббиёт муассасалари шифокори ва ҳамширалари билан ҳамкорликда ёшлар таълим-тарбияси, хотин-қизлар, оилалар, маданий-маърифий ишлар бўйича салмоқли тадбирларни амалга оширдик, — дейди Дилфуза. — "Маҳаллам тарихини ўрганаман" кўрик-танловининг ҳудуддий босқичларида фаол иштирок этиб, даставвал, Шаҳрисабзда 63 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи ўртасида ўтказилган танловда биринчи ўринга лойиқ топилдим. Сўнг танловнинг вилоят босқичида ҳам муваффақиятга эришдим. Бу фақат менинг ютуғим эмас, балки барча фаолларимизнинг ютуғидир.

— Дарвоқе, маҳалламизда Дилфузахон бошчилигида тикув цехи ташкил этиляпти, юринг, у ердаги тайёргарлик ишлари билан танишамиз, — деди Фозил ака.

— Бу мажмуани ташкил этишимдан мақсад аҳолини иш билан таъминлаш, — дея суҳбатни давом эттирди Дилфуза. — Мана шу хоналарни Таллимаржон ГРЭСИ таъмирлаб берди. Цехда электр энергияси, сув, ишчиларнинг дам олишига мўлжалланган ва ҳатто ювиниш хонаси ҳам бор. Айни пайтда ҳунарманд уй бекалар ва хотин-қизларни аниқлаяпмиз. Цех ишга туширилса, янги иш ўринлари яратилади. Хотин-қизлар, жувонлар иш билан таъминланади. Чевар аёл ва қизларга тикув машиналари ва бошқа зарур асбоб-ускуналар олиб бериш режалаштирилган.

Дарҳақиқат, оқсаройлик фаоллар маҳаллани обод қилиш ишлари билан бирга аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам жиддий эътибор қаратишган. Уларнинг ўзаро бирдамлик ва ҳамкорликдаги хайрли саъй-ҳаракатлари бошқа фуқаролар йиғинларига ибрат қилиб кўрсатишга лойиқ.

**Қаршибой БЕРДИЕВ,**
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси.**

Ижтимоий ҳимоя — бош мезон

# МУРУВВАТДАН ҚУВОНГАН ҚАЛБЛАР

**Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоялаш масаласига Жиззах вилоятида ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Мурувватталаб инсонларнинг моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани улардаги яратувчанлик салоҳиятини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ишончини янада ошираётир.**

1 миллиондан зиёд аҳолиси бўлган вилоятда бугунги кунда 337 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 83 нафар юз ёшдан ошган нуроний, 622 нафар ёлғиз қария, 400 нафардан зиёд меҳнат фахрийси, 4593 та ижтимоий ҳимояга муҳтож оила бор. Аҳолининг бу тоифа вакилларига «Маҳалла» хайрия жамғармасининг вилоят бўлими бошқаруви, унинг шаҳар ва туман бўлинмалари ҳамда фуқаролар йиғинлари кенгашлари томонидан моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Кам таъминланган оилаларнинг моддий даромадларини яхшилашга кўмаклашиш мақсадида аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ҳам аниқ режа асосида иш юритилаётир.

Баркамол авлод йилида жисмоний имконияти чекланган ёшларга эътибор янада ошди. Мазкур тоифадагилардан 131 нафари касаначилик асосида ишга жойлаштирилгани фикримиз тасдиғидир. Шунингдек, Қуролли кучлар сафидан захирага бўшатилган 1186 нафар ёш фойдали меҳнатга жалб этилди.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, мурувватталабларни соғломлаштириш ҳамда қарияларни қадрлаш, уларга ғамхўрликни кучайтириш мақсадида жамғармамиз ҳамда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда 390 нафар кам таъминланган оила фарзандлари, шунингдек, 120 нафар вилоят «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларининг Самарқанд ва Тошкент шаҳарларига саёҳати ташкиллаштирилди. 135 нафар фаол аёлнинг Бухоро ва Хива шаҳрига, 340 нафар қариянинг вилоят ҳудудидаги қадамжоларга зиёрати уюштирилди. Яқинда «Меҳрибонлик уйи»да тарбияланаётган иқтидорли болалардан бир гуруҳи Москва шаҳрига қилинган саёҳатдан қайтиб келишди. 69 нафар кам таъминланган оила фарзандлари жамғарманинг вилоят бўлими бошқаруви йўлланмаси билан республика миқёсидаги сиҳаттоҳларда даволаниб қайтишди. 24 нафар ногиронинг вилоят ҳудудидаги сиҳаттоҳларда ҳордиқ чиқаришлари учун шарт-шароитлар яратилди. Шифоталаб 33 нафар онахоннинг даволанишига кўмаклашилди. Ногирон болаларни махсус мосламалар билан таъминлаш мақсадида вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасига 6 миллион сўм маблағ ажратилди.

Жамғарманинг вилоят бўлими бошқаруви ва соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида 137 минг 244 нафар туғиш ёшидаги аёл тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларнинг 31375 нафари соғломлаштирилди. 106 та маҳалла ва қишлоқда «Соғлом оилани қандай қуриш мумкин?», «Ёшлар ўртасида ОИТС касаллигининг олдини олиш» мавзуларида давра суҳбатлари ўтказилди. Бу борада аҳоли ўртасида изчил тарғибот ишлари олиб борилаётир. Хорижда ишлаб қайтганлардан 647 нафари тиббий кўрикдан ўтказилди.

Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги ҳамда Рамазон ҳайити муносабати билан 340 нафар кам таъминланган, ногирон ва боқувчисини йўқотган оила аъзоларига совға-саломлар улашилди. Байрам арафасида 120 нафар қариянинг ҳолидан хабар олиниб, мурувват кўрсатилди. Шулар қаторида, 12 нафар ёш оиланинг никоҳ, 28 нафар болажоннинг хатна тўйлари ҳам ўтказилиб берилди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Муҳими, бу каби мурувват тадбирлари, кўрсатилган моддий ва маънавий ёрдамлар беминнат ва очиққўнгиллик билан қилинмоқда.

Ўтган 9 ой ичида қурилиб ишга туширилган 8 та, реконструкция қилинган 13 та маҳалла маркази, «Маҳалла» жамғармасининг 13 та ҳудудий бўлинмаси ҳамда 29 та намунали фуқаролар йиғини компьютер жамланмалари билан таъминланди. Жисмоний имконияти чекланган, уй шароитида таълим олаётган мактаб ёшидаги болаларга ҳам компьютер ҳадя қилинди. Кам таъминланган ёш оилаларга шароитини яхшилаб олишлари учун гиламлар совға қилинди, уй-жойлари эса таъмирлаб берилди. Бундай савобли ишларни амалга ошириш мақсадида жамғарма томонидан 801 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Дарҳақиқат, давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотлари томонидан аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига беғараз ёрдам кўрсатиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилишга оид долзарб вазифалар ижросининг таъминланаётгани юртимизда ижтимоий адолатнинг қарор топишида муҳим омил бўлаётир. Вилоятимиздаги ижтимоий муҳофазага муҳтож фуқароларнинг тегишли корхона ва ҳомий ташкилотлар ҳамда саховатпеша инсонларга бириктириб қўйилгани уларнинг оилавий шароитлари ўнгланишида асқатмоқда.

Истиқлолнинг 19 йиллик шодиёнаси кенг нишонланган мустақил мамлакатимизда кўплаб муҳим вазифалар қаторида ижтимоий барқарорликнинг таъминланаётгани фуқароларимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада ошириб, уларни янги зафарлар сари чорламоқда. Юқоридаги хайрли амалларни адо этишда фуқаролар йиғинлари ҳам муносиб ҳисса қўшаётгани айни муддаодир.

**Муқим ҲАСАНОВ,**
**«Маҳалла» хайрия жамғармаси Жиззах вилояти бўлими бошқаруви раиси.**

Нукус туманидаги "Нукус-Агро" масъулияти чекланган жамияти ишлаб чиқараётган табиий томат пасталарига талаб ошмоқда. "Қорақалпоқтомат" корхонаси "Нукус-Агро" масъулияти чекланган жамиятига айлантирилиб, бу ерда катта ҳажмдаги модернизация ишлари амалга оширилди. Замонавий технологиялар асосида қайта таъмирланган корхонада юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

**СУРАТДА:** *"Нукус-Агро" масъулияти чекланган жамияти ишчилари Дилбар Долиева ва Мийрас Жетписбоев иш жаарёнида.*

**Арслон Канназаров (ЎзА) олган сурат.**

Қишлоқдаги шинам уй

# ЯНГИ УЙЛАР — ЯНГИ МАҲАЛЛА

**Бугун Андижон вилоятининг Жалолқудуқ туманидаги Пахтакор қишлоғи аҳолисининг қувончи чексиз. Негаки, яқинда қишлоқ ҳудудида замонавий уйлардан иборат янги маҳалла қад ростлади. Эътиборлиси, мазкур уй-жойларда иссиқ-совуқ сув, табиий газ, электр ва канализация — барча шарт-шароитлар яратилган. Ҳадемай бу жойларда қайноқ ҳаёт бошланиб кетади.**

«Қишлоққурилишлойиҳа» институти томонидан ишлаб чиқилган намунавий лойиҳалар асосида қад кўтарган янги уйларни Қўрғонтепадаги «Саркор» универсал қурилиш корхонаси бунёдкорлари етти ой ичида қуриб битказдилар. Қурилиш ишларида бош бинокор Муҳиддин Исроилов раҳбарлигидаги Муҳаммаджон Маҳкамбоев бошлиқ ғишт терувчилар, Маъмуржон Сулаймонов етакчилигидаги бетончилар, Музаффар Исабоев бошлиқ пардозловчилар жамоаси фидокорона меҳнат қилишди.

Қувонарлиси, томи черепица билан қопланган бу уйлар қишлоқ чиройига чирой қўшмоқда. Янги уйларда умумий зал, ошхона, айвон бор, ётоқхона, меҳмонхона, ванна ва балкон жойлашган. Уйнинг барча асосий ва ёрдамчи хоналари алоҳида қозонхона билан ситилади. Хоналарнинг барчасига «Акфа» эшикромлари ўрнатилган.

...Бўрибой Ғаниев кўп йиллар қишлоқ хўжалигида меҳнат қилган, умр йўлдоши Дилоромхон опа билан беш ўғил, бир қизни тарбиялаб, вояга етказишган. Ҳозир йигирмага яқин неваралари бор.

— Фарзандларимизни уйли-жойли қилганмиз, — дейди Бўрибой ака. — Кенжа ўғлим Дилмуроджон ва келинимиз Дилдорахоннинг таклифи билан қишлоғимизда қурилаётган янги уйлардан бирини олишга қарор қилдик. Уйимиз деярли битиб қолди. Қурувчилар шу ойнинг охирида кўчиб чиқасизлар, дейишяпти. Умр йўлдошим билан қариган чоғимда шаҳардагидек шароитлар яратилган уйда яшайдиган бўлдик.

Янги маҳалладаги уйларда шу кунларда пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Табиий газ, ичимлик суви, электр қувватини улаш, йўлларни асфальтлаш ишлари ҳам поёнига етиб қолди.

— Юртбошимиз Олтинкўл туманида бунёд этилган янги уйларни кўздан кечириш пайтида ер участкасини тўрт сотихдан олти сотихга кенгайтиришни таклиф қилдилар, — дейди қурилиш корхонаси бошлиғи Шавкатбек Абдураҳмонов. — Бу таклиф биз қурувчиларга ҳам, мижозларга ҳам ниҳоятда маъқул келди. Биз Пахтакордаги уйларни эгаларига топширгач, шу тумандаги Ҳасанқовоқ қишлоғидаги олти сотихли уй-жойларни қуришга киришамиз.

«Қишлоққурилишинвест» инжиниринг компанияси вилоят филиалининг буюртмаси билан жорий йилда Андижон вилоятида намунавий лойиҳалар асосида 600 дан ортиқ уй-жой қуриш режалаштирилган. «Қишлоққурилишбанк»нинг имтиёзли кредитлари ҳисобига бунёд этилган бу уйлар келгусида қишлоқлар қиёфасини бутунлай ўзгартириб, аҳоли турмуши юксалишига хизмат қилади.

**Узоқбой САКСОНБОЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

# БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ

**ФАРҒОНА** шаҳридаги Аҳмад ал-Фарғоний номидаги истироҳат боғида "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида шаҳар прокуратураси ва ҳокимлиги, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, "Маҳалла" жамғармасининг шаҳар бўлинмаси ҳамда соҳа идоралари билан ҳамкорликда навбатдаги бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

Тадбирда шаҳардаги 120 та корхона ва ташкилот, 118 та кичик бизнес субъекти жами 2220 та бўш иш ўрини билан қатнашди. Шаҳардаги маҳаллалар фуқаролар йиғинлари томонидан ҳудуддаги доимий иш билан банд бўлмаган ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейларнинг битирувчи ўқувчилари, жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахслар жалб қилинди.

Ярмаркада иштирок этган фуқаролардан 1059 нафарига, шундан 506 нафар касб-ҳунар коллежлари битирувчисига доимий ишга жойлашишлари учун йўлланма берилди.

**Азамат МАҲМУДОВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

# МАВСУМ ТАРАДДУДИ ҚИЗҒИН

**Саратоннинг жазирамаси ортда қолиб, хазонрезги кунлар ҳам бошланди. Бу қиш эшик қоқаётганидан дарақдир. Хўш, қиш мавсумига тайёргарлик қандай кетмоқда?**

Бошқа вилоятларда бўлгани каби Сирдарёда ҳам айни пайтда аҳоли уй-жойларининг барқарор иситилишини таъминлаш мақсадида қозонхоналар таъмири, газ босими кам бўлган қишлоқ ва маҳаллалар аҳолисига кўмир ва бошқа қаттиқ ёқилғи етказиб бериш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

— Сирдарё вилоятида аҳолини кўмир, ўтин ва бошқа қаттиқ ёқилғи маҳсулотлари билан таъминлашда ижтимоий муҳофазага муҳтож оилалар алоҳида эътиборга олинган, — дейди "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими масъул котиби Ғуломжон Маматов. — Шунга мувофиқ тегишли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра ёлғиз қариялар, ногиронлар ва боқувчисини йўқотган оилалар 5,3 тонна кўмир, 24,4 тонна ўтин билан таъминланади. Бунинг учун жамғарманинг вилоят бўлими ҳисобидан 8,1 миллион сўм, ҳомийлар ҳисобидан 7,5 миллион сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилган. «Сирдарёкўмир» масъулияти чекланган жамияти билан кам таъминланган аҳолига имтиёзли нархларда кўмир етказиб бериш бўйича келишиб олинган.

Кўпқаватли уйларда яшовчи аҳолининг хонадонларини иссиқлик билан таъминлашда қандай чоралар кўриляпти?

Бу борада вилоят уй-жой фонд ва коммунал хизмат департаменти раҳбари Баҳодир Қурбонов шундай дейди:

— Қишга тайёргарлик борасида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан маҳалла фуқаролар йиғинлари ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ширкатларга "Микрокредитбанк" томонидан уй-жойларни таъмирлаш учун кредит олишга ёрдамлашяпмиз. Маҳалла фуқаролар йиғинлари эса иссиқлик энергияси ва уй-жойлар таъмири учун сарфланган маблағларнинг тўловини таъминлашга ёрдамлашмоқда.

Шунингдек, вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан мавсумга тайёргарлик борасида амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш мақсадида «Менинг уйим — менинг маҳаллам», «Ўз уйингни ўзинг асра» мавзуларида вилоят телевидениесида кўрсатувлар ташкил этилди. Унда «Иссиқлик манбаи», «Сувоқова», "Сирдарёгазтаъминот», «Сирдарёэлектртармоқлари» ва бошқа мутассадди ташкилотларнинг раҳбарлари томонидан тайёргарликнинг бориши бўйича аҳолига ахборот бериб борилмоқда.

Шу ўринда вилоятдаги ижтимоий соҳа объектлари — мактаблар, болалар боғчалари, касалхоналар, қишлоқ врачлик пунктларидаги қишга тайёргарликнинг бориши борасида фуқаролар йиғинлари томонидан жамоатчилик назорати ўрнатилгани алоҳида таъкидга лойиқ. Аниқланган камчиликларни тезда бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

* * *

Кузги-қишки мавсумга тайёргарлик борасида Жиззах шаҳрида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, шаҳарда қувурлар мукаммал таъмирланиши натижасида иссиқлик етказишда узилишлар бўлмайди. Шунингдек, "Иттифоқ","Сайилжой" маҳаллаларида ҳам бу борада юзага келиши мумкин бўлган муаммолар ҳозирданоқ бартараф этилди. Айниқса, иссиқлик узатиш қувурларини ҳимоя воситалари билан ўрашга доир ишлар кўпқаватли уйлар жойлашган маҳаллаларда яхши йўлга қўйилди. Бу борада "Ёшлик", "Кўтарма" маҳаллалари ҳудудидаги уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан эътирофга лойиқ ишлар бажарилди. Бугунга келиб, ушбу ширкатларда қозонхоналар учун техник туз жамғариш топшириғи тўла бажариб бўлинди.

Шаҳардаги муҳим халқ хўжалиги объектларини мавсумга тайёрлаш бўйича режатопшириқнинг катта қисми "Жиззахшаҳаргаз" филиали зиммасида. Ҳозир ушбу корхона жамоаси "Ҳайдаробод", "Ҳамзаобод" ва "Қипчоқ" маҳаллалари ҳудудидан ўттан уч километр узунликдаги газ тармоғини мукаммал таъмирлаш ишларини якунлаш арафасида. Шунингдек, шаҳардаги барча газ тақсимлаш шохобчаларида техник кўрик ўтказилиб, қисқа муддатда мавжуд муаммоларга ечим топилаётир.

Таъкидлаш ўринлики, тайёргарлик жараёнида асосий эътибор 1991 йилгача қурилган кўпқаватли уйларда олиб борилаётган таъмирлаш ишларига қаратилган. Бешта маҳалладаги 71 та уй мукаммал, 130 тасида эса жорий таъмирлаш режалаштирилган бўлса, айни чоғда ишларнинг қарийб етмиш фоизи адо этилди.

Шу кунгача кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишларини амалга ошириш учун ажратилган 958 миллион 510 минг сўм маблағнинг 826 миллиони ўзлаштириб бўлинди. Бажарилган ишлар тўловининг 30 фоизи маҳаллий бюджет, қолган қисми корхона ва муассасалар, ҳомийлар маблағи ҳисобидан қопланди. Бунда маҳалла фуқаролар йиғинларининг фаоллиги жамоатчилик томонидан алоҳида эътироф этилмоқда.

**Мухбирларимиз.**

Фаолиятдаги фаолларимиз

# ЯХШИ НИЯТ ЯХШИЛИККА ЕТАКЛАЙДИ

**Фарғона туманидаги Юқори Водил қишлоқ фуқаролар йиғининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Холисхон Исоқова ўзининг фаоллиги, меҳнатсеварлиги билан туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, қолаверса, Юқори Водил қишлоқ фуқаролар йиғини мутасаддилари назарига тушиб, 2004 йили ушбу лавозимга сайланганди. Ўтган вақт ичида унинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари туфайли қишлоқ ҳаёти, аҳоли турмуш фаровонлиги йўлида талай ишлар амалга оширилди.**

Айни пайтда мазкур қишлоқда 9 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Холисхон фаолиятини бошлаганда ўз олдига аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирларини янада жадаллаштириш, хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳунарманд аёлларга кўмаклашиш, уй бекалари ўртасида касаначиликни ривожлантириш ва уларни спортга кенг жалб этишни асосий мақсад қилиб қўйганди. Холисхон опа ҳудуддаги 4 та: "Яхши ният", "Обод", "Қора янтоқ" ва "Наврўз" маҳалласи маслаҳатчилари билан бамаслаҳат аёлларни иш билан таъминлашга жиддий киришди.

— Даставвал, маҳаллалардаги ҳунарманд ва касаначи аёллар сонини аниқлаб, уларга кўмаклашдим. Энг муҳими, "Устоз — шогирд" йўналиши асосида тадбиркорлару ҳунармандларга ёшларни бириктирдим, — дейди Холисхон. — Мисол учун, "Яхши ният" маҳалласида яшовчи Шарофат Мусаева ўттиз йилдан бери чорси-белбоғ тикиш билан машғул. Унинг 6 нафар шогирди эса бу ҳунар сир-асрорларини қунт билан ўрганишяпти. Бундан ташқари, онахон Ҳамидахон Ҳожиева ёши етмишдан ошганига қарамай, узоқ йиллардан буён тўн тикади. Унинг дид билан тикаётган куёвлик тўнлари аллақачон ўз харидорларини топган. Унинг қаватидаги 4 нафар шогирди Ҳамида онадек қўлигул тикувчи бўлиш истагида. Ана шундай тикувчи аёллардан Қутбихон Ширмонова, Тожихон Қорабоева ҳам зардўзлик, тикувчилик билан шуғулланиб, уй бекаларига ҳунар ўргатишмоқда.

Холисхон опа маҳалла маслаҳатчилари билан ҳамкорликда уйда ўтирган аёлларни спорт тадбирларига жалб қилаётир. Чунончи, яқинда "Водил" болалар дам олиш оромгоҳида аёллар ўртасида спартакиада ўтказилди. Унда қўшни маҳаллалардан келган 30 нафар хотин-қиз спортнинг баскетбол, гандбол, волейбол, арқон тортиш, югуриш турлари бўйича ғолиблик учун куч синашишди. Мусобақа натижаларига кўра, Юқори Водил жамоаси ғолиб бўлди.

— Хотин-қизлар, айниқса, уй бекалари ўртасида спорт мусобақаларини ташкиллаштиришдан мақсад маҳаллада соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, оилаларда маънавий соғлом муҳитни барқарорлаштириш, қолаверса, она ва бола саломатлигини тиклашдан иборатдир. Зеро, она ва фарзанд саломатлиги келажагимиз пойдевори, юрт қувончидир, — дейди Холисхон опа.

Ҳар ишда пешқадам, катта ҳаётий тажрибага эга Х.Исоқова билан бутун қишлоқдошлари, оила аъзолари фахрланишади. Боиси унинг саъй-ҳаракатлари билан кўплаб оилаларга тинчлик, осойишталик ва қут-барака кириб келди, аёллар фойдали меҳнатга жалб этилди. Маҳалла фаоллари ташаббуси, ҳомийлар, тадбиркорлар ҳиммати билан келажагимиз ворислари бўлган ёшларнинг билим савиясини янада такомиллаштириш мақсадида турли фан ва ўқув тўгараклари очилди. Барча қулайликларга эга спорт майдончалари барпо этилди.

Энг муҳими, Яраштириш комиссияси аъзолари ва фаоллар билан ҳамжиҳатликда айрим ёш оилалардаги, қайнана-келинлар ўртасидаги ортиқча низоларга чек қўйишга муваффақ бўлинди. Маслаҳатчининг бундай ижобий саъй-ҳаракатлари келгусида ўз самарасини бериши, шубҳасиз.

**М.АҲМЕДОВ,**
**Фарғона тумани Юқори Водил қишлоғи.**

Кўрик-танлов ғолиблари

# ЮТУҚЛАРИМ ОМИЛИ — МАҲАЛЛАДОШЛАР ИШОНЧИ

**Кенг адирлару пурвиқор тоғлар бағридаги Бойсун туманида жойлашган «Шўрсой» маҳалласида 4 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Маҳалламиз фуқаролари катта ҳаётий тажрибага таянган ҳолда тадбиркорлик билан иш юритишаётгани боис оилалар тинч, ҳудудимиз обод бўлиб бормоқда. Ҳар қандай муаммони ижобий ҳал қилишда маҳалла аҳли доимо бир-бирига камарбаста. Баъзида ўзим ҳам маслаҳатчи бўла туриб, ён-атрофимдагилардан кўп нарсаларни ўрганишим лозимлигини англайман.**

Маҳалла фуқаролар йиғинидаги фаолиятимни бошлаганимга ўн йилдан ошди. Бу вақт оралиғида деярли барча хонадонларнинг аъзолари, уларнинг яшаш тарзини ўрганиб олдим.

Маҳалламизда «Оила — маҳалла — мактаб» концепцияси асосида ҳудуддаги умумтаълим мактаби ва мактабгача тарбия муассасаларида ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Ҳар ойда бир маротаба туман ички ишлар бўлими ходимлари билан биргаликда ёшлар билан учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этяпмиз. Турли иллатларнинг олдини олиш мақсадида тиббиёт ходимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда «Соғлом она — соғлом бола», «Ҳар бир бола меҳр ва мурувватга лойиқ» мавзуларидаги тадбирлар мунтазам ўтказилмоқда. Олиб борилаётган тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида ўттан 3 йил мобайнида ёшлар ўртасида бирор марта ҳам жиноят содир этиш ҳолатлари рўй бермади. Маҳалламизда дераза-ромлар, сандиқ ясайдиган уста ҳунармандлар бор. «Устоз—шогирд» анъанасига таянган ҳолда, фаоллар ташаббуси билан уларга 6 нафар ёш шогирдликка берилди. Турли хил қандолатчилик маҳсулотларини тайёрлаш бўйича 15 нафар қиз ўқув курсига жалб қилинди. Ҳунармандчилик бўйича 10 нафардан зиёд хотин-қиз ўқитилиб, уларга банкдан имтиёзли кредитлар олиб берилди. Бунинг натижасида улар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, моддий аҳволини ўнглаб олди. Шунингдек, аёллар фаоллигини ошириш, уларга ёрдам кўрсатиш мақсадида туман бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда «Бандлик дастури» асосида 20 нафар хотин-қиз 3 та иссиқхонада фойдали меҳнатга жалб қилинди. Бу иссиқхоналарнинг эгалари ҳам маҳалла аёллари. Маҳалламиз қошида «Бадиий гимнастика» тўгарагини ташкил этиб, ёш қизларни спортнинг бу турига жалб қилган эдик. Ҳозир бу қизлар «Спорт маликаси» мусобақасида ва қатор танловларда фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Маҳалламиз осойишта, хонадонлар тинч. Сабаби маҳалла қошидаги Яраштириш комиссияси аъзолари саъй-ҳаракати натижасида айрим оилалардаги нотинчлик, келишмовчиликлар ўз вақтида маҳалланинг ўзида ҳал қилинмоқда. 2004 йилдан ҳозирга қадар маҳалладаги оилалар ўртасида турли жанжал ёки ажрим ҳолатлари кузатилмагани ҳам олиб борилаётган ишлар самарасининг ёрқин ифодасидир. Маҳалламизда яшовчи эътиборга, мурувватга муҳтож қариялар, ёлғиз ва боқувчисини йўқотганлар доимий диққат-эътиборимизда. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида 21 нафар кам таъминланган оила аъзоларига ҳомийлар кўмагида тадбир ва байрамларда моддий ёрдам кўрсатилиб, 4 та оилага турли маросимларни, 5 та оилага никоҳ тўйларини ўтказишга кўмаклашилди. Бундай хайрли ишларни амалга ошириш бир кунлик ёки бир йиллик юмуш эмас, саховатпешалик халқимизнинг қонқонига сингиб кетган азалий хусусиятларидан саналади.

Албатта, ҳар қандай эзгу юмушдан аввал, биринчи навбатда теварак-атроф тозалигига, саранжом-саришталикка алоҳида эътибор қаратамиз. Ҳудудимизни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида 8 нафар кўча бошлиғининг ташаббуси ҳам алоҳида эътирофга лойиқ. Ҳар бир кўча бошлиғи ўзига бириктирилган кўчанинг тозалигига, тинчлигига аҳамият беради. Кўчалардаги ҳовлилар атрофларига гуллар экилган, тозаликдан кўнгил ҳузур топади. Мана шундай обод ва сўлим масканда туғилиб, эл хизматида юрганим кўнглимга ғурур ва фахр бахш этади.

Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги байрами арафасида, қолаверса, «Маҳалла куни» байрамига бағишлаб «Бизнинг маҳалла» шиори остида ўтказилган «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» танловида дастлаб туманда, кейин вилоят босқичида ғолиб бўлганим маҳалладошларимнинг менга бўлган ишончи ва қўллаб-қувватлаши самараси, деб ўйлайман. Ушбу танловнинг вилоятимизда бўлиб ўтган минтақавий республика босқичида фахрли 3-ўринни эгалладим. Мақсадим — бор билимим ва куч-ғайратимни маҳалламиз фаровонлиги йўлида сарфлашдир.

**Моҳира ЧОРШАНБИЕВА,**
**Бойсун тумани «Шўрсой» маҳалласи фуқаролар йиғининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси.**

*Тошкент шаҳри Юнусобод тумани "Шайх Шиблий" маҳалла фуқаролар йиғининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ўлмас Камолова (ўнгда) маҳалла хотин-қизлари муаммоларини ҳал этишда ҳамиша камарбаста.*

© фото-Носир Ҳайдаров

"Устоз-шогирд" анъанаси

# БЕЗАКЛАРДА СЕҲР, МАЪНО МУЖАССАМ

**...Ўшанда Мусалламхон ая бозордан куйиниб қайтганди: «Ипакни не ҳасратда етиштириб, кўз нуримни бағишлаб минг азобда кашта тиксаму, уни бозорда эмин-эркин сотолмасам... Ўз касби, ҳунари орқали барака топиб рўзғор тебратадиган замонлар келармикан?..», дея ўксиганди. Дарҳақиқат, ая уй шароитида капалакдан уруғ олар, ундан ипак қурти етиштириб, парваришларди. Пиллани қозонда қайнатиб, ажралган ипларни чархда йигирарди. Бўёқлар ҳам бутунлай табиий усулда тайёрланар, шу боис ая тиккан сўзаналар ранг-баранглиги, бетакрор нақшлари, бежиримлиги билан кўзни қувнатарди.**

Аммо бу ишларнинг бари хуфёна, қўрқа-писа бажарилар, тайёр маҳсулотни бозор назоратчиларининг кўзидан четда сотиш бир азоб эди. Чунки у маҳаллар миллий ҳунармандчилигимизга паст назар билан қаралар, тайёр маҳсулотларни бозорда сотиш қатъий тақиқланган эди. Аянинг невараси — жажжи қизча Ойсара бувисига интилар, мурғак юрагида момоларидан мерос бўлиб келаётган каштачилик анъанасини давом эттириш, унинг нозик сир-синоатларини пухта эгаллаб, янада ривожлантиришдек эзгу мақсадлар куртак отганди. Мусалламхон ая неварасидаги иштиёқ, ноёб қобилиятни пайқаб, унга алоҳида эътибор қаратар, билганларини ўргатар, мудом унинг қизиқишларини қўллаб-қувватларди.

Шукрки, истиқлол инъом этган тўкис ва фаровон турмушимиз беқиёс имкониятлар боис ўтмишдаги бу ҳолатлар барҳам топган. Момоларимиздан мерос бу қадим анъанани давом эттириб келаётган Ойсара Рўзиева мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ тадбиркорликка қўл уриб, миллий ҳунармандчиликни йўлга қўйди. Тўғри, опа иш бошлаган кезлари қийинчиликлар бўлди. Аммо қалбидаги эзгу мақсад, ҳунарга бўлган меҳр, иштиёқ ва интилиш туфайли буларнинг бари ортда қолди. Қисқаси, умидини асло сўндирмади.

Айни дамда Ойсара опа Бухоро вилояти Шофиркон тумани Саврак қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган «Умид ёлқини» оилани ижтимоий ҳимоялаш маркази раҳбари. 38 нафар моҳир каштадўзни жам қилиб, бири биридан нафис кашта гуллари билан безатилган сўзаналар, ёстиқ жилдлари, сандалпечу дорпечлар, пардалар тайёрлашмоқда. Ойсара опага бувисидан ўрганганлари асқатаётир. Бўёқлар ҳам буткул табиий хомашёдан тайёрланади: қизил ранг — рўян илдизидан, яшил — ўсмадан, жигарранг — ёнғоқдан, ҳаво ранг — лолақизғалдоққа ишлов бериш орқали, пиёздан қаймоқ ранг олинади. Бундай усулда бўялган иплар ҳеч қачон рангини ўзгартирмаслиги билан ҳам муҳим.

Қадимдан ёш келин-куёвлар уйини безатишда ишлатилган сўзаналарга гуллар шунчаки кўзни қувнатиш учун тикилган эмас, балки улардаги ҳар бир чоқ, ҳар бир шакл, ҳар бир рангда ўзига хос маъно мужассам. Масалан, анор гулли сўзана — ёшларнинг серфарзанд бўлишига билдирилган тилак, «Боғи чаман» деб аталган сержило кашта турмушнинг гўзал бўлишига ният сифатида тикилган. Бу ижодий асарларда ва миллий каштачилигимизда кўп учрайдиган қалампир гуллари эса ёмон кўздан асрашга, нақшлар аро тасвирланган балиқ сурати покликка ишора бўлса, капалак шу гўзалликларга асос бўлган ипак қуртининг рамзи. Хуллас, маънавий бойлигимиз бўлган бу қадим санъат орқали момоларимиз ўз ички кечинмаларини, орзу-истакларини, қайғу-ғамию қувонч-шодлигини ҳам ифодалаб келишган. Ойсара опа бошчилигида тайёрланаётган миллий каштачилик намуналаридаги безаклар айни шу рамзлар билан сайқал топган.

— Маҳалла — маънавий қадриятлар ривож топган, қадим анъаналарни авлодлар қалбига муҳрлайдиган табаррук маскан, — дейди Ойсара опа Рўзиева. — Болалигимда маҳалламизда аксарият маҳалладошларимиз миллий ҳунармандчилик билан шуғулланишарди. Ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, улар миллий меросимизнинг ажралмас қисми ҳисобланган бетакрор ҳунарларимизнинг йўқ бўлиб кетишига йўл қўйишмасди. Ана шундай пайтларда ҳам маҳалла маънавият ўчоғи бўлиб қолаверди. Бугун эса имкониятлардан фойдаланиб, бор маҳоратимизни кўрсатадиган пайт келди. Айни дамда «Устоз — шогирд» анъанаси асосида ҳунаримни ёшларга ўргатяпман. Ёшларимизнинг миллий каштачилигимизга бўлган қизиқишлари, интилишлари мени беҳад қувонтиради. Бундан руҳланиб, янги марраларни мақсад қиляпмиз. Чунончи, миллий ҳунармандчилигимизнинг бу нафис намуналарига чет элларда қизиқиш ва талаб юқори бўлгани боис яқин кунларда маҳсулотларимизни экспорт қилишни режалаштиряпмиз.

Ҳа, Ойсара опанинг эзгу ниятлари кўп. У ҳар гал қўлига иш асбоблари — бигиз, нина, ипак калаваларни олганида ва ён-атрофида қизиқувчан шогирдлари парвона бўлганида қалбини ўзгача ҳислар чулғайди. Ана шундай дамларда келажагимизнинг таянчи ва суянчи бўлмиш бугунги ёшларнинг баркамол авлод бўлиб вояга етишлари, уларнинг маънавий камолотида ўзининг ҳам ҳиссаси борлигидан қалби ғурур ва ифтихорга тўлади.

**Юлдуз ҲОЖИЕВА,**
**«Mahalla» мухбири.**

# Дунёдан дараклар

## Шахтёрлар қутқарилади

**700 METP** чуқурликда қолиб кетган чилилик 33 нафар шахтёрни қутқариш ишлари бошланди. Бу ҳақда мамлакат кон-металлургия саноати вазири Лоренс Голборн баёнотига асосланиб, France-Presse хабар тарқатди. Шахтёрлар жорий йилнинг 5 август куни шахтада рўй берган кўчки туфайли ер тагида қолиб кетишган эди. 17 кун давомида улар ҳақида ҳеч қандай хабар бўлмади. Фақат 22 август куни шахтёрлар билан алоқа ўрнатилди. Ўтган давр мобайнида махсус туйнук орқали уларга сув ва озиқ-овқат етказиб берилди.

Хабарларда айтилишича, чуқурга аввал тиббиёт ходимлари тушади ва шахтёрларнинг соғлигини текшириб кўради. Шундан сўнг биринчи бўлиб беморлар юқорига олиб чиқилади. Улар қора кўзойнак тақишлари шарт. Чунки узоқ вақт қоронғуда қолишгани учун шахтёрларнинг кўзлари шикастланиши мумкин. Қутқарув ишларини ёритиш учун дунёнинг турли бурчакларидан 700 нафар журналист келган.

## Мудофаани мустаҳкамлаш учун

**ИНДОНЕЗИЯ** мудофаа вазирлиги кейинги беш йилда Ҳарбий ҳаво кучларига янги самолёт ва вертолётлар сотиб олишга 150 триллион рупий (16,8 миллиард доллар) сарфлашни режалаштирмоқда. Flightglobal хабарида айтилишича, ушбу маблағнинг учдан икки қисми давлат бюджетидан ажратилади. Қолган бир қисми эса кредит сифатида олинади.

Вазирлик вакилининг қайд этишича, биринчи навбатда янги қирувчи, ҳарбий-транспорт самолётлари ва қидирув-қутқарув вертолётлари харид қилинади.

Жорий йилнинг сентябрь ойи охирида мамлакат мудофаа вазирлиги кейинги 20 йилда 180 та Россиянинг "Су" русумли самолётларини ҳам сотиб олмоқчи эканлигини билдирди. Ушбу самолётлардан ўнта эскадрилия тузилади. Бундан ташқари, Индонезия Европанинг Eurocopter компанияси билан ҳамкорликда мамлакат ҳудудида AS332 Super Puma Mk.II транспорт вертолётлари ишлаб чиқаришни ҳам режалаштирган.

## «Евровидение-2011» Дюссельдорфда ўтади

**2011 ЙИЛГИ** «Евровидение» эстрада танлови Германиянинг Дюссельдорф шаҳрида ўтказилади. Бу хабар расман тасдиқланмаган бўлса-да, Bild ахборот агентлиги мухбири масала бутунлай якун топгани тўғрисида хабар тарқатди.

Танловнинг ярим финали 10 ва 12 май кунлари, финали эса 14 май куни шаҳардаги "Esprit-Arena"да бўлиб ўтади.

«Евровидение»ни ўтказиш учун Германиянинг бир неча шаҳри, жумладан, Гамбург, Ганновер ва Берлин ҳам даъвогарлик қилганди. Лекин Дюссельдорфдаги "Esprit-Arena"га 50 минг нафар томошабин сиғиши масалани шу шаҳар фойдасига ҳал этди.

Эслатиб ўтамиз, Ослода ўтган «Евровидение-2010» да германиялик 19 ёшли хонанда Лена Мейер-Ландрут ғолиб чиққан эди.

## Алимент тўлашни унутманг



**АҚШ**нинг Мичиган штатида қизиқ суд жараёни бўлиб ўтди. Максигон шаҳрида яшовчи 44 ёшли Говард Вил ўн тўртта аёлга уйланиб, улардан 23 нафар фарзанд кўрган. Ҳозир у ҳамма хотинлари билан ажрашган. Лекин битта боласига ҳам алимент тўламайди. Суд жараёнида баён қилинишича, унинг алиментдан қарзи 533 минг долларни ташкил этган.

Гавард Вил судда айбини қисман тан олди. Алимент тўламаслигига эса ишсизлиги сабаб бўлаётганини таъкидлади. Суд баёнотида айтилишича, Вил биргина Гранд-Рэпидс шаҳрида яшовчи турмуш ўртоғидан алимент бўйича 60 минг доллар қарздор. Бошқа бир хотини Шерри Блэк билан етти йилдан буён бирга яшамайди. Шу давр ичида у икки боласи учун Блэкка бор-йўғи 87 доллару 75 цент алимент тўлаган, холос. Ҳозир болалар 16 ва 11 ёшга тўлишди.

Суд Говард Вилни тўрт йилга озодликда маҳрум қилди. Лекин бундан унинг собиқ хотинлари хурсанд эмас. Биз юқорида тилга олган Шерри Блэк "Унинг жазо олгани яхши. Лекин у алиментни тўлаганда жуда хурсанд бўлардим. Энди эса у мен тўлаган солиқ ҳисобига қамоқда ҳам ётади", дея киноя қилди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Ислоҳот самаралари

# САРМОЯЛАР ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

AGROBANK

## "Агробанк" ОАТБ томонидан киритилаётган инвестициялар корхоналарнинг барқарор фаолият юритишида, ишлаб чиқариш қуввати ҳамда экспорт салоҳиятининг ошишида муҳим омилдир

Ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизда иқтисодий барқарорлик кузатилаётгани халқаро молия ташкилотлари томонидан ҳақли равишда эътироф этилмоқда. Буни Ўзбекистон банкларининг активлари ҳамда капиталлашув даражаси изчил ўсиб бораётгани ҳам тасдиқлаб турибди. Муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилган "Инқирозга қарши чоралар Дастури", энг аввало, банкларнинг молиявий ҳолати барқарор сақланишига катта замин яратди. Бундан ташқари, молия муассасаларининг ички имкониятларни кенгроқ очиш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялашдаги фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Президентимизнинг 2008 йил 11 ноябрдаги "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони эса бу борадаги ишларнинг самарадорлигини оширишда ҳуқуқий асос, мустаҳкам замин яратди. Иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқларида иқтисодий ўсишни таъминлаш, саноатнинг етакчи тармоқлари, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, энг муҳими, аҳоли бандлигига кўмаклашишга хизмат қилаётган ушбу ҳужжатнинг "Агробанк" ОАТБ томонидан ижро этилишида эришилган натижалар ҳам юқоридаги фикрга яна бир исботдир.

Ўтган давр мобайнида банк томонидан умумий қиймати **28,5 миллиард сўм** бўлган жами **10 та** иқтисодий ночор корхона банк балансига қабул қилинди. Уларни соғломлаштириш мақсадида **11,1 миллиард сўм** миқдорида инвестиция киритилди. Корхоналарнинг 6 тасида, хусусан, "Investteks-IB", "Агро-махсус-тузатиш-созлаш", "Bog'ot Agro", "Samarkand Agromuz", "Karakalpak Mix Dairy" ва "Texygen" масъулияти чекланган жамиятларида ишлаб чиқариш фаолияти қайта тикланиб, 2 та корхона янги инвесторларга сотилди. Натижада корхоналарнинг фаолияти қайта йўлга қўйилиб ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 5,7 миллиард сўмга етди. Шундан 2,2 миллион АҚШ доллари миқдоридаги қисми экспортга йўналтирилди. Шу ўринда қўшимча 441 та янги иш ўрни яратилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бундан ташқари айни пайтда иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш мақсадида, банк ва инвесторлар маблағлари ҳисобидан 2,3 миллиард сўм миқдорида қўшимча инвестиция киритиш ҳамда инвесторларга сотилмаган корхоналар томонидан ишлаб чиқариш ҳажмини 695 миллион сўмга етказиш режалаштирилмоқда.

Шундай корхоналардан бири Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги "Ас-Шах" қўшма корхонасидир. Ушбу даргоҳ бир йилда 1800 тонна оқартирилган ва бўялган трикотаж мато ишлаб чиқариш қувватига эга. Иш тўғри ташкил қилинмаганлиги оқибатида корхона банкротлик ҳолатига тушиб қолган эди. 5,5 миллиард сўм тугатиш қийматида мулкий мажмуа сифатида банк балансига қабул қилингач, унинг негизида янги "Investteks-IB" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. Мазкур корхона "Алфи Текстил" хориж корхонасига босқичма-босқич тўлаш шарти билан 5,8 миллиард сўмга сотилди. Янги инвестор томонидан корхонани модернизация қилиш ва айланма маблағларни шакллантириш учун 1,4 миллиард сўм миқдорида қўшимча инвестиция киритилди. Натижада ўтган даврда 2,2 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, экспортга йўналтирилдики, бу банк томонидан кўрилган чоранинг ижобий ҳосиласидир.

Ёки Хоразм вилоятидаги "Хоразм-махсус-тузатиш-созлаш" акциядорлик жамиятини олайлик. Бу ерда ҳам иш ҳақи ва бошқа тўловлардан бўлган қарздорлик натижасида корхона жар ёқасига келиб қолган эди. Корхона 3,3 миллиард сўм тугатиш қийматида мулкий мажмуа сифатида банк балансига қабул қилинди. "Банкротлик тўғрисида"ги Қонун талабларига асосан банк томонидан 280,1 миллион сўм миқдорида иш ҳақи ва бошқа тўловлар тўлаб берилгач, унинг негизида устав жамғармаси 3,5 миллиард сўмга тенг бўлган "Агро-махсус-тузатиш-созлаш" МЧЖ ташкил этилди. Шунингдек, корхона фаолиятини тиклаш ва айланма маблағларни тўлдириш мақсадида жорий йил давомида 204 миллион сўм инвестиция киритилди. Натижада ўтган давр мобайнида корхонада 576 миллион сўмлик маҳсулот, жумладан 57,7 миллион сўмлик 31 турдаги импорт ўрнини босувчи эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилди. Корхона томонидан Тошкент трактор заводи билан трактор ҳамда прицеплар учун ступица етказиб беришга 450 миллион сўмлик шартнома имзоланди ва бугунги кунда 145 миллион сўмлик тайёр маҳсулот етказиб берилди. Энг муҳими, фаолияти қайта тикланган корхонада 87 та ишчи ўрни яратилди.

Хоразм вилоятидаги яна бир шундай корхона "Боғот МТП" акциядорлик жамияти ҳам банк балансига 1,4 миллиард сўм тугатиш қийматида мулкий мажмуа сифатида қабул қилинганди. Унинг негизида ташкил этилган "Bog'ot Agro" МЧЖга 134 миллион сўм миқдорида инвестиция киритилгач, ижобий томонга ўзгариш кўзга ташлана бошланди. Мана натижаси: корхона томонидан шу кунгача 43 та янги ишчи ўрни яратилди ва 116 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик хизматлари кўрсатилди. Таъкидлаш керакки, хизмат кўрсатиш ҳажмини янада ошириш мақсадида жорий йил давомида қўшимча 200 миллион сўм миқдорида инвестиция киритиш режалаштирилган.

**Озиқ-овқат танқислиги бугунги кунда дунёнинг қатор давлатларида кузатилаётгани маълум. Бу ҳол халқаро жамоатчиликда ташвиш туғдираётгани ҳам бор гап. Шу боис юртимизда озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Инқирозга қарши чоралар дастурида қайта ишлашни ривожлантириш муҳим йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилган. Шундан келиб чиқиб, банк томонидан ана шундай иқтисодий ночор корхоналарга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Аниқ мисолларга ўтамиз. Самарқанд вилоятидаги "Samarkand Agromuz" МЧЖ музқаймоқ ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Корхона ишга туширилиши натижасида 26 та янги иш ўрни яратилган. Мана шу корхона ҳам иқтисодий ночор аҳволга тушган, фаолияти бардавомлигига шубҳа туғилган корхоналардан эди. Ушбу корхона мажмуа сифатида банк балансига қабул қилингач, "Банкротлик тўғрисида"ги Қонун талабларига асосан 55 миллион сўм миқдорида иш ҳақи ва навбатдан ташқари тўловлар тўлаб берилди. Шунингдек, 319 миллион сўм миқдорида инвестиция киритилиб, музқаймоқ ишлаб чиқариш цехи, бино ва иншоотлар, электроэнергия, сув таъминоти тизими ҳамда 430 дона музлаткичлар таъмирланди. Корхонада ишлаб чиқариш қувватлари тўлиқ ишга туширилгандан сўнг қўшимча 20 та ишчи ўринлари яратиш, биринчи йилда 20 фоиз, иккинчи йилда 25 фоиз ва учинчи йилда 50 фоиз қувватларда маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.



"Karakalpak Mix Dairy" корхонаси ҳам банкнинг мадади, тўғриғоғи қўллаб-қувватлаши натижасида фаолиятини тиклаётган корхоналардан ҳисобланади. Бу ерда олдин "Хўжайли сут" жамияти фаолият юритар эди. У ерда ишлаб чиқаришни тиклаш мақсадида банк томонидан аукцион савдолари орқали 163,2 миллион сўмга сотиб олинди. Мутлақ яроқсиз ҳолга келган ишлаб чиқариш цехлари ҳамда коммуникация тизимини тиклаш, тегишли идораларнинг техник талабларидан келиб чиққан ҳолда лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, корхонани айланма маблағ билан таъминлаш ва модернизациялаш мақсадида белгиланган графикларга асосан банк томонидан 437 миллион сўм миқдорида маблағлар инвестиция қилинди.

"Нукус САНААТ Ондирис" масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда корхонада кунига 50 квадрат метр тратуарлар учун брусчатка ҳамда черепица ишлаб чиқариш ташкил этилди. Бу ерда келгусида сутни қайта ишлаш, туз ҳамда хўжалик совуни ишлаб чиқаришни ташкил этиш режалаштирилган. Бугунги кунда корхонада 17 та ишчи ўрни ташкил этилган бўлиб, юқорида келтирилган ишлаб чиқаришлар ташкил этилгандан сўнг қўшимча 50 та ишчи ўрни яратиш имконияти юзага келади.

Бугунги давр ишлаб чиқаришни модернизациялашни талаб қилаётир. Зеро, рақобатбардош маҳсулот яратиш, импорт ўрнини босувчи, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун замонавий технология муҳим аҳамиятга эга.

Фарғона вилоятидаги "White Chickens" масъулияти чекланган жамиятида айни пайтда ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида замонавий дастгоҳлар ўрнатилмоқда. Ноябрь ойида ишлар тўлиқ тугалланиб, корхона фаолият бошлайди. Режага кўра йил охиригача корхонага 661 миллион сўм қўшимча инвестициялар киритиш ва декабрь ойида 25 миллион сўмлик парранда гўшти етиштириш белгиланган. Бу корхона ўрнида иқтисодий ночор "Боғдод парранда" ҳиссадорлик жамияти фаолият кўрсатгани инобатга олинса, қисқа муддат ичида ушбу даргоҳ фаолияти яна қайтадан тикланишида банк сармояси жуда муҳим аҳамият касб этганини илғаш қийин эмас. Яъни корхона 2009 йилда 1,4 миллиард сўм тугатиш қийматида мажмуа сифатида банк балансига қабул қилингач, унинг негизида устав жамғармаси 5,5 миллиард сўм бўлган "White Chickens" МЧЖ ташкил этилди. Бугунги кунда корхонага 3,4 миллиард сўм миқдорида инвестиция киритилган. Шундан 900 миллион сўм қурилиш ишларини амалга ошириш ва лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашга, 2,5 миллиард сўм корхона ва Хитойнинг «HEBEI LANDBRIDGE TRADING CO. LTD» билан имзоланган импорт шартномаси асосида замонавий ускуналарни сотиб олишга йўналтирилди. Ҳозирда юқоридаги шартнома бўйича ускуналар етказиб берилган бўлиб, монтаж ишлари олиб борилмоқда.

Иссиқхона шароитида атиргул етиштириш билан шуғулланадиган Тошкент вилоятидаги "Аграр технологиялари" қўшма корхонаси ҳам банк балансига олинган корхоналардан. Банк томонидан фаолияти ривожлантирилиши мақсад қилинган ушбу корхона негизида устав низоми 1,5 миллиард сўм бўлган "fresh Rose" МЧЖ ташкил этилди. Ушбу корхонага 230 миллион сўм миқдорида инвестиция киритиш режалаштирилган. Бугунги кунда белгиланган режага асосан, 150 миллион сўм миқдорида инвестиция киритилди.

Бундан ташқари мазкур лойиҳани амалга оширишнинг иккинчи босқичида корхона қошидаги 2 гектар ер майдонини ўзлаштириш учун 1 миллиард сўм миқдорида инвестициялар киритиш устида иш олиб борилмоқда. Ишлаб чиқилган бизнес режага асосан, мазкур лойиҳа доирасида йилига 1 миллион 800 минг дона атиргул ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, ишлаб чиқариш қуввати 50-75 фоизга етказилади. Ҳозирги кунда корхонада 25 та янги иш ўринлари ташкил қилинган бўлиб, ишлаб чиқариш қувватларини қайта тиклаш ва экин майдонларини янгилаш, бозор конъюнктурасини ўрганиш мақсадида фаол изланишлар олиб борилмоқда.

"Марғилон Текстил" қўшма корхонаси ҳам банк балансига қабул қилингач, унинг негизида устав жамғармаси 7 миллиард сўмдан иборат янги "Texygen" масъулияти чекланган жамияти ташкил қилинди.

Корхона йилига 3600 тонна калава ипи ишлаб чиқариш қувватига эга. Германия, Чехия ва Туркия давлатларида ишлаб чиқарилган замонавий ускуналар билан таъминланган корхонани салоҳиятли инвесторга босқичма-босқич тўлаш шарти билан 2010 йилнинг август ойида 7,7 миллиард сўм миқдорига сотилди. Бугунги кунда янги инвестор томонидан 250 миллион сўм миқдорида инвестиция киритилиб, 110 та иш ўрни қайтадан тикланди. Корхонада жорий йилнинг 1 октябрига қадар 540 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 декабрдаги "2010-2012 йилларда Қўқон шаҳрининг саноат салоҳиятини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қўқон шаҳрида жойлашган "Кўнчи" ОАЖ ва "Қўқон сут маҳсулотлари" МЧЖ ноль қийматда инвестиция киритиш шарти билан банк балансига қабул қилинди.

"Агробанк" корхона ҳудудида терини қайта ишлашга мўлжалланган технопарк ташкил этиш мақсадида 3 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш мажбуриятини олган. Режалаштирилган инвестициянинг 500 минг АҚШ доллари ишлаб чиқариш цехини таъмирлашга, 500 минг АҚШ доллари чиқиндиларни тозалаш тизимини тиклашга, 700 минг АҚШ доллари янги электроэнергия ҳамда газ етказиб беришга мўлжалланган станциялар сотиб олишга, 300 минг АҚШ доллари ишлаб чиқариш биносининг муҳандислик-коммуникация ишларини амалга оширишга ҳамда 1 миллион АҚШ доллари ускуна сотиб олишга йўналтирилиши белгилаб берилган.



Бугунги кунда корхона негизида янги "Premium Leather" МЧЖ ташкил этилди ва терини қайта ишлашга йўналтирилган замонавий технопарк ташкил этиш мақсадида банк томонидан жами 5,8 миллиард сўм миқдорида инвестиция киритилди. Шундан 2,8 миллиард сўми корхонанинг ишлаб чиқариш бинолари, коммуникация тизимини реконструкция қилишга ва 3 миллиард сўми замонавий ускуналар сотиб олишга йўналтирилди. Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра корхонада 17 та янги иш ўрни ташкил этилган бўлиб, йил охирига қадар 1 миллиард сўм қўшимча инвестиция киритиш режалаштирилмоқда.

"Қўқон сут маҳсулотлари" МЧЖ ҳам банк балансига қабул қилиниб, унинг негизида "Kokand Milk Quality" МЧЖ ташкил қилинди. Унинг фаолиятини қайта тиклаш учун банк томонидан 1,2 миллиард сўм миқдорида қўшимча инвестиция киритилиши режалаштирилган. Мазкур лойиҳанинг биринчи босқичида йилига 5 минг тонна сут маҳсулотларини қайта ишлаш режалаштирилган бўлиб, корхонада қўшимча 30 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилмоқда. Бугунги кунда корхонанинг хомашё базасини шакллантириш, ишлаб чиқариш биноларини таъмирлаш, сут маҳсулотларини қабул қилиш ва сақлашга мўлжалланган ускуна сотиб олиш учун банк томонидан жами 650 миллион сўм миқдорида қўшимча инвестиция киритилди. Бунинг натижасида 15 та янги иш ўрни яратилди. 2010 йилнинг қолган даврида корхонага 850 миллион сўм миқдорида қўшимча инвестиция киритилиб, лойиҳанинг иккинчи босқичида соатига 500-600 килограмм музқаймоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти ташкил қилиниши режалаштирилмоқда.

Шу билан бирга "Агробанк" ОАТБ томонидан ташкил этилган "Agroinvest-Recovery" инвест-компаниясининг фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Энг аввало, унинг штат жадвали ва структурасига ўзгартиришлар киритилди. Инвест-компаниянинг устав жамғармасини 10 миллиард сўмга ошириш бўйича банк кенгашига таклиф берилди.

Пировардида қайд этиш лозимки, банк сармоялари яратувчанлик, бунёдкорлик ва тараққиётга хизмат қилмоқда. Бундан бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Зеро, банкнинг бош мақсади ҳам шу.

**Ў.ХУДОЙҚУЛОВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

Юксак маънавият – енгилмас куч

# ТАФАККУР, АДАБ ВА САХОВАТ УЙҒУНЛИГИ



< [1]

Аммо бугун айрим тўйларда, жумладан, ақиқа маросимларида исрофгарчиликка йўл қўйилмоқда. Ваҳоланки, қозон-қозон дамланган ошларга кетган харажатни бошқа эзгу мақсадлар йўлида ишлатиш мумкин. Зеро, ақиқа – қудаларнинг сарпо алмашиш «фестивал»и эмас.

Одамларимиз ўғил кўрса, эл-юртга дастурхон ёзади, айрим жойларда кураш, кўпкари берилади. Чиндан ҳам, шу лаҳзаларда ота-онадан бахтлироқ инсон йўқ. Бироқ ҳар ишда меъёр бўлгани маъқул. Бугун бу маросим айрим жойларда «той тўйи» номини олган. Тўй эгасининг яқинлари олиб келган тойни минган тўйбола давра айланади. Навбат кутиб, кишнаб турган ўнлаб тойларнинг бежирим эгар-жабдуғи ҳам ўзидек кўркам. Фақат... бир кунга «прокат»га олинган. Обкелувчига той олиб келди, тўй эгасига шунча той келди, деган гап керак. Савол туғилади: бундай ишлардан кимга нима нафу кимга зиён?

Чақалоқни туғруқхонадан олиб чиқиш, унга бешик олиб келиш, боланинг туғилган кунини, мучал ёшини нишонлаш – оилавий маросимлар. У оила даврасида, яқинлар иштирокида ихчам, содда ва камчиқим ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Бироқ айримлар мазкур оилавий тантаналарни ҳам ресторанларда юзлаб кишилар иштирокида дабдаба билан ўтказмоқда.

**– Айниқса, никоҳ тўйларини айтмайсизми!..**

– Никоҳ тўйи – икки ёшнинг аҳди асосига қурилиши керак. Бироқ бугун у, айрим ўринларда, ота-оналарнинг кимўзар пойгасини эслатади. Мол-мулк талашишлардан ҳатто бир йил ўтмасдан янги турмуш бузилишгача бориб етмоқда. Баъзиларнинг фикрича, қиз мебель жиҳозларидан тортиб, супургисигача кўтариб келиши керак. Кўплаб ўғилларимиздаги ор-номус, ғурур-шаън тушунчаларига ҳам заха етаётгандек. Уларда «мен шу қизга уйланиб, уни бахтли қилишим керак», деган қарашдан кўра, «шу қизнинг отаси қаерда ишларкан, мени ҳам қўллаб юборармикан» каби йигит кишига номуносиб тутумлар ҳам пайдо бўлмоқдаки, бунга фақат афсус қиласиз.

Бугун юртимизда тўқчилик, борчилик, минг шукур. Аммо айрим тўйларда ўта ноёб нарсаларни дастурхонга қўйиб, ярашмаган шармандали амалларни қилишдан мақсад – шу йўл билан обрў топиш, одамларни ҳайратга солиш. Ҳазрат Навоий «Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам», дейдилар. Ўзини, умр мазмунини англамаган кишини ким ҳурмат қилади? Ҳурмат-эътиборга меҳнат, пешона тери, камтаринлик, хушхулқ, маърифат билан эришилади.

**– Сиз тўй-маъракa ва маросимларни ўтказиш бўйича маҳалла оқсоқоли ёрдамчисисиз. Маҳаллангизда тўйларни ҳар жиҳатдан мақбул ўтказиш борасида қандай амалий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?**

– Маҳалламизда 9 минг нафардан зиёд киши истиқомат қилади, ҳар ҳафта ўртача уч-тўртта тўй, маъракa ўтказилади. Маҳалламиз аҳли тўйларни содда, ихчам, камсарф, осойишта ва маъноли ўтказиш йўлида ҳамфикр. Бу – маҳалладошларимиз ўртасида муттасил олиб борилаётган тушунтириш ишларининг самараси, деб биламан. Шу боис никоҳ тўйи ёнига қўшилаётган «қизлар базми», «чақириқ», «чорлар», «йўқлов», «бешик тўйи» каби тор доирадаги оилавий тадбирлар ҳашаматли ресторанларда дабдаба билан ўтказилиши исрофгарчилик, манманлик эканини маҳалламиз аҳли тушуниб етмоқда. Маҳалламизда ҳамма нарса жой-жойида, рисоладагидек, дейишим қийин. Аммо ҳаракат бор, дастлабки натижалар бор.

Масалан, яқинда бир маҳалладошимиз қизини узатадиган бўлди. Наҳорда ош беришни ният қилган экан. Маҳалладошимиз бир неча юз кишининг рўйхатини тузиб, маслаҳатга келди. Биз унга «шунча одамни ошга чақириш шартми? Шунинг харажатини бошқа болаларингизга сарфланг, нари борса, икки юз кишини ошга таклиф қилинг», деб маслаҳат бердик. Тўғри тушунди. Яна бир исрофгарчиликнинг олди олинди.

**– Ҳар жиҳатдан ибратли тўйлар қандай бўлмоғи керак, деб ўйлайсиз?**

– Ҳар жиҳатдан ибратли тўй қилишда ақл, ҳаё ва андишага суянилади. Унинг туб моҳиятида хайр-саховат, ўз қадрини ўзгаларга бўлган ҳурмати билан бир қаторга қўйиш мужассам бўлади. Бир танишим умр бўйи йиққан, ўзи ўқиб, мағзини чаққан китобларини қизларига тенг бўлиб, сеп қилиб берди. Давлатманд бир одамни танийман: ҳар бир оилавий маросимида маҳалладаги муҳтож болаларни ўқув қуроллари билан таъминлайди, истеъдодли талабаларнинг шартнома пулини тўлаб беради.

Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб»да «ёруғ жойда шаъм ёққанни ақлдан бегона дейдилар», деб ёзади. Модомики, тўй – саховат тантанаси экан, хайрни муҳтожларга қилиш керак. Бунинг савобини Алишер Навоий «Каъба вайрон бўлса, уни обод қилиш» билан тенг кўради. Чунки ул зотнинг ўзлари мунтазам йўқсилларни йўқлаб турганлар, ҳар қандай эзгуликка ҳомийлик қилганлар. Бу бизга ибрат бўлиши лозим.

Дабдабали тўй қилишдан олдин атрофимизга назар солайлик. Эҳтиёжмандликдан қийналиб юрган қариндошимиз ё маҳалладошимиз ёки юртдошимиз бордир. Тўй баҳонасида исрофгарчилик қилгандан кўра, уларнинг ҳолидан хабар олайлик, ками бўлса тўлғазайлик, саховат қилайлик. Шунда эл-юрт раҳмат айтади, умримиздан барака топамиз, икки дунёмиз обод бўлади. Зотан, Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида таъкидлаганидек, «қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади».

**ЎзА мухбири Умид ЁҚУБОВ суҳбатлашди.**

Яраштириш комиссияси фаолиятидан

# УМР — СИНОВ, ҲАЁТ — МУАЛЛИМ

«Қайнатам ҳақорат қилавериб тинчимни бузади. Отанг уй олиб берсин, чиқиб кетинглар, деб зуғум қилади. Бизнинг оиламизда бақир-чақир қилиш нари турсин, овозни ҳам бир парда кўтаришмаган. Лекин мен келин бўлиб тушган хонадонда сўкиниб гапириш одатий ҳол экан. Эрим на отаси тараф бўлади, на менинг ёнимни олади...»

Юнусобод тумани Фирдавсий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини идорасига кириб борганимизда Яраштириш комиссиясига тушган аризалардан бири юзасидан бўлаётган муҳокамада келин ажрашмоқчилиги сабабини ана шундай изоҳлади.

Дилдора ва Шавкат (исмлари ўзгартирилган) бир-бирини ёқтириб, севиб-севилиб турмуш қуришди. Муҳаббатнинг кўзи кўр, деганлари рост эканми, Дилдорани тўйдан олдин иккала оила ўртасидаги сезиларли тафовут унчалик қизиқтирмади.

Олдинига Шавкатнинг топиш-тутиши яхши эди. Аммо баъзи сабабларга кўра у маълум муддат ишсиз қолди. Ана шундай вазиятда Дилдора ҳарна беш-ўн сўм бўлар, деган мақсадда уйга иш олиб келиб, кечаси — бола ухлаганидан кейин ёзув-чизув қиладиган бўлди. Бироқ бундай ҳол қайнатанинг бақириб-чақириши, ҳақоратлари учун етиб ортадиган сабаб эди. Чунки у тун бўйи чироқ ёқилиб, ортиқча сарф-харажат кетишига чидай олмасди-да. Одатда кўпчилик ёш келинлар олдида қайнана билан муросаю мадора қилиш муаммоси кўндаланг бўлади. Бироқ не ажабки, бу борада омади чопган Дилдора жиззаки ва асабий қайнатасининг вақт-бемаҳал зуғумларидан тоқати тоқ бўлди ҳамда ажрашишга ахд қилди.

— Эътироз-ҳасратларингизда жон бор, қизим, — деди Яраштириш комиссияси раиси, маҳалла оқсоқоли Хайрулла Зокиров. — Бироқ бўлар эндигина томир отиб келаётган оила дарахтини қуритишга сабаб бўлолмайди. Неча-неча йиллар давомида ота-боболаримиз амал қилиб келган ҳаётнинг ёзилмаган қонунлари ҳам борки, уларга бўйсунмасликнинг иложи йўқ. Кейин афсус чекмаслик учун бу борада етти эмас, етмиш ўлчаб бир кесиш керак. Қийинчиликсиз турмуш бўларканми? Сув ҳам бир лойқаланиб кейин тиниқлашади-да. Хўп, ажрашдингиз ҳам, дейлик. Қўлингиздаги гўдакнинг келажаги нима бўлади? Эрта-бир кун у боғчага, кейин мактабга боради. Тенгқурлари отаси ҳақида мақтанишганда болангиз бир четда мунғайиб, кўнгли ўксишини тасаввур қиляпсизми? Айттанча, эрингиз Шавкат билан ҳам суҳбат ўтказдик. У ажрашиш нияти йўқлигини айтди. Қайнанангиз ҳам сиз ҳақингизда жуда ижобий фикрларни билдирди. Бу сизнинг ютуғингиз. Шундай экан, ўткинчи тушунмовчиликлар гулдек бир гўдакни етим қилишга арзимайди.

Дилдора оқсоқолнинг маслаҳатини қабул қилди. Барбод бўлиш арафасида турган бир оила, тирик етим қолиши мумкин бўлган бир гўдакнинг келажагини кўзлаб жон куйдирган комиссия аъзоларининг уринишлари бекор кетмаслигига умид пайдо бўлди.

— Бундай муаммолар юзага келмаслиги учун иккала томон бир-бирини тўйдан олдин яхшилаб суриштириши керак, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби Хатминиса Усмонова. — Йигитнинг ёки қизнинг сувратига қараш билангина оила қуриб бўлмайди. Қуда-андалик ришталарини боғлаётган оилалар бир-бирининг етти пуштини суриштириши, хонадонлардаги муҳит, шарт-шароитлар мос келиши муҳим аҳамиятга эга. Бугун муҳокама этилган келиннинг уйидагилари тўйдан олдин қуда бўлмиш оилани суриштириб маҳалламизга келишмаган...

— Бу оилани сақлаб қолиш учун етарлича асослар бор, — дейди маҳалла раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Раъно Раҳматуллаева. — Куёв ичмаса, чекмаса, ҳуда-беҳуда жанжал қилмаса... Оила — муқаддас маскан. Уни хоҳлаганда қуриб, хоҳламаганда бузиб ташлаб бўлмайди. Отаси жиззаки, тажанг бўлса, фарзанди айбдор эмас-ку. Хотининнинг ёнини олиб, отанинг юзига тик боқиш ҳам бизнинг фарзандларимизга хос эмас. Яқинда қайнана-келин келишмовчилиги натижасида бузилиб кетиши мумкин бўлган яна бир оилани яраштирдик. Ота уйига кетиб қолган келинни ўзимиз бориб олиб келдик. Маълум вақт давомида хабар олиб, назорат қилиб турдик. Унгача ҳар икки томон билан суҳбатлар ўтказдик. Елиб-югуришимиз ҳамда кўпни кўрган комиссия аъзоларининг панд-насиҳатлари натижасида томонлар муросага келишди. Энди қайнана ҳам, келин ҳам бизга раҳмат айтишяпти.

Ҳаёт — муаллим. Инсон умр кечирар экан, тинмай ўрганади. Катталарнинг ёшлардан устунлиги боиси ҳам ана шунда. Тажрибаси кўпроқ инсонларнинг маслаҳатига амал қилганлар эса асло кам бўлмайди. Фирдавсий номидаги маҳалла Яраштириш комиссияси аъзоларининг барча саъй-ҳаракатлари ана шу ҳақиқатни ёшлар онгига етказишга қаратилган.

**Феруза ЭГАМОВА, «Mahalla» мухбири.**

Оила тилсими

# МЕҲРГА ПАЙВАНД КЎНГИЛ

Мўминжон ота-онасидан эрта ажралди. Бунинг устига ёлғиз фарзанд эмасми, бу жудоликка кўникиши анча қийин кечди. Вақт ўтиб, мусибат оғриқлари сал босилгач, қариндошлари уни ёлғизлатиб қўймаслик учун уйлантириб қўймоқчи бўлишди. Қўшни маҳаллада яшайдиган Зарифани келин қилиш мақсадида амма-холалар совчиликка отланишди. Зарифа Мўминжон билан синфдош эди. Озгина шаддодлигини айтмаганда эсли-ҳушли, уй юмушларини ҳам бинойидай уддалайди.

Нурмат ака ўйлаб-нетиб ўтирмай розилик берди. Шаҳодат опа эса: «Дадаси, қизингиздан бир оғиз сўрайлик. Ахир, ўқишга кирмоқчи эди», деган эди Нурмат ака, тенгги чиқса текин бер дейишган, дея хотининнинг оғзига гап билан урди. У бўлди, бу бўлди, хуллас, тўй ҳам ўтди. Аммо Зарифа...

— Мен сизга айтгандим-ку, ўқимоқчиман, деб. Нега менга уйландингиз? Барибир сиз билан ажрашаман. Кетаман шаҳарга!

Бундай гаплар Мўминжоннинг кунда эшитадиган маломатлари эди. Шундай пайтлар Мўминжон Зарифани индамай тинглардию секин кўчага чиқиб кетарди. Аммо хотинини хурсанд қилгиси, кўнглини овлагиси келиб, тезда нимадир кўтариб қайтарди. Зарифа Мўминжон олиб келган ҳадяларга қайрилиб ҳам қарамас, қовоғини уйганча ичкарига кириб кетарди.

Кунлар, ойлар ўтиб, вақт ўз ҳукмини ўтказди. Зарифа тақдирга тан бергандай кўринардию барибир Мўминжоннинг қўйдай ювошлиги унинг ғашини келтирарди. Буни Шаҳодат опа сезар, қизини ўйлаб унинг тақдиридан кўп ташвишланарди. Мўминжон бўлса тинимсиз ишлар, хотинини ҳеч нимага зориқтирмасликка уринар, ичмас, чекмас, аммо барибир Зарифанинг кўнглини забт этолмасди.

Бир куни Зарифа қаергадир отлана бошлади.

— Бирор жойга кетяпсанми? — сўради Мўминжон.

— Ҳа, дугонам Маъмура фарзанд кўрибди. Табриклаб келмоқчиман. Нимайди?

— Бугун ойимнинг вафот этган кунлари. Хотирлашга қариндошлар келишса керак.

Зарифа бир зум иккиланиб турди-да, қошларини чимирганча яна ясанишда давом этди. Мўминжон хотинига бормайсан, деёлмади. Меҳмон кутишга ўзи тараддуд кўра бошлади. Зарифа чиқиб кетаётганда у ош қилиш учун томорқадан сабзи, пиёз олаётганди.

* * *

Маъмура Зарифани кўриб севиниб кетди. Аммо мириқиб суҳбатлашаман, дардлашаман, деб борган дугонасининг ёнида бир зум ҳам ўтиролмади: дам у ишга югуради, дам бу ишга. Бола йиғисига ҳам парво қилмайди. Бундан Зарифа жуда аччиқланди: «Мен буни деб келсаму, у ишидан ортмаса? Тавба, ишларини кейинроқ қилса ҳам бўларди». У кетиш учун энди ўрнидан турaётганди ҳовлида машинанинг тўхтагани эшитилди. Бир оздан сўнг дугонасининг эри кириб келди. Қўлида оғир елимхалта.

— Маъмура, мана буларни жойлаштиргин-да, тез янги костюмимни олиб чиқ.

Маъмура кийимни олиб чиққач, уни койий бошлади:

— Мунча имилладинг, анув қўйларнинг овозини ўчирсанг бўлмайдими? Ўт-сувини бергансан? Дарвозани ювиб қўй, дегандим-ку сенга. Нон ёпдингми? Норин-чи, норин тайёрми? Бугун ҳам қутлагани улфатларим келишади, биласан-а? Биринчисига чучвара қиласан, иккинчиси манти бўлади, охиргиси палов. Уйни яна тозалаб чиқ. Сочиқларни ювганмисан? Нега ҳовли ивирсиб ётибди? Супурмабсан-ку? Нима иш қилдинг ўзи?

Эрининг гапларини жон қулоғи билан тинглаб, оёғидаги туфлисини ҳафсала билан артаётган дугонасини кўриб Зарифа ғалати бўлиб кетди. Кўз ўнгига Мўминжоннинг мўмингина чеҳраси келди. «Одам ҳам шунчалик тошбағир бўладими? Хотини яқинда кўзи ёриган бўлса. У буюраётган ишларни битта одам қила олармиди? Чақалоқ-чи? Унинг ўзига бир одам керак-ку! Мўминжон акам менга шунчалар меҳрибон экану мен эса унга лоақал бир оғиз илиқ гап айтмасамда, нуқул гап билан чақиб турсам-да, зарда қилмайди, ёмон гап гапирмайди. Мен-чи? Мен нимага эришмоқчиман ўзи? Ажрашишгами? Ажрашиб мана бунга ўхшаган бераҳм эркакка дуч келсамчи? Ахир, ҳар нарсанинг уволи бўлганидек, меҳрнинг ҳам уволи тутмайдими мени?».

Зарифа чақалоқ йиғисидан ўзига келди. Қорни очган бола бўғилиб йиғларди. Зарифа бу ердан тезроқ кеттиси келдию, ҳовлига чиқди. Кўзлари аланглаб Маъмурани излади. Ошхонанинг очиқ деразасидан супра устида чала қорилган хамир кўриниб турар, қозонда нимадир қайнаб тошар, оғилхона тарафдан қўйларнинг маърагани эшитилар, Маъмура томорқа этагидан шоша-пиша ўт ўрмоқда эди. Кўча эшиги томон йўналган Зарифа алланимага қоқилиб кетди. Қараса, оёқ остида бир тоғора ювилган кийимлар ярми дорга ёйилган, афтидан шошган шекилли, ярми шундай қолиб кетганди. Зарифа хайр-маъзурни насия қилганча дугонасининг уйидан чопқиллаб чиқиб кетди.

Уйига борганида ҳали меҳмонлар келишмаган, Мўминжон белига фартук тақиб олиб, қўлида капгир ушлаганча овқатта уннарди. Зарифага кўзи тушдию, юзи ёришди.

— Тез қайтибсанми? — деди унга тикилиб. — Ие, нега рангинг оқариб кетди? Тобинг йўқми? Бирор жойинг оғриятмими?

Мўминжон сўраган сари Зарифанинг томоғига нимадир тиқилгандай бўларди. Ўпкаси тўлиб йиғлаб юборган Зарифа эрини маҳкам қучоқлаб олди:

— Мени кечиринг. Сизга нисбатан ноҳақлик қилдим. Сиз... Сиз дунёдаги энг яхши ва меҳрибон одамсиз. Энди сизга муносиб рафиқа бўлишга, уйингизни файзга тўлдиришга ҳаракат қиламан. Фақат мени кечиринг...

Мўминжон ҳайрон қолиб, хотининнинг сочларини силар, тинимсиз қуйилаётган кўз ёшларини артарди. Бир оздан сўнг ўчоқ бошида Зарифанинг биринчи марта шодон кулгуси эшитилди. Аччиқ тутундан кўзи ёшланган Мўминжон ҳам хотинининг яхши томонга ўзгарганидан ўзида йўқ хурсанд эди. Ҳовлига эндигина кириб, эр-хотиннинг аҳиллигини кўрган Шаҳодат опа ва қариндош-уруғлар севиниб кетишди. «Хайрият! — деди она нотинч кўнгли таскин топиб. — Илоҳим болаларим қўша қаришсин!». Шу топда бошқаларнинг ҳам кўнглидан ана шундай эзгу ниятлар ўтаётганди.

**ГУЛҲАЁТ.**



## Оила муқаддас даргоҳ

Ҳаёт ҳикмати

*Қисқа муддатли муваффақиятсизлик қисқа муддатли муваффақиятдан кўра яхшироқдир.*

* * *

*Инсон табиати ғалати: у бойлигини йўқотса қайғуради, аммо кунларининг мангуга йўқолаётгани билан иши йўқ.*

Оила шифокори дафтаридан

# СОҒЛОМ ТУРМУШ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Зиёда боласининг инграганидан уйғониб кетди. Унинг устига кўрпа тортиб қўяркан, пешонасига қўлини қўйди: «Иссиғи бор. Мактабдан келганида бинойидек эди-ку? Ёки совуқ сув ичиб қўйдимикан?» У ўғлининг иссиғини туширишу учун зарур муолажаларни қилдию тонггача мижжа қоқмади.

Эрталаб ўғлини оилавий поликлиника ходими Моҳидил Рўзметованинг кўригига олиб борди. Шифокор Зиёдага айни дамда юқори нафас йўллари орқали юқадиган касалликлар авж олаётгани, бошқа юқумли касалликларга ҳам қарши эмлаш ишлари олиб борилаётгани ҳақида гапирди. Шифокорнинг сўзларини тинглаганча, Зиёда кичик ўғлини ҳам бугунок эмлатиш учун олиб келишга қарор қилди.

Дарҳақиқат, қиш мавсуми яқинлашгани сари аҳоли орасида грипп, ўткир шамоллаш, бронхит каби турли юқумли касалликлар авж олади. Шу боис бу ҳолат аҳолига тез ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, аҳоли ўртасида бу касалликлар ҳақида кенгроқ тушунтириш ишлари олиб бориш, турли профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш каби зарур чора-тадбирларни талаб этмоқда. Айни дамда бундай тезкор ишлар қай даражада амалга оширилаётгани билан танишиш учун пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманига қарашли 16-оилавий поликлиникага ташриф буюрдик. Муассасада мавсумий тараддуд авжида экан. Поликлиникага яқин жойлашган 29-, 249-, 278-мактаблар, коллежлар билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилиб, мактаб шифокорлари, маҳалла маслаҳатчилари билан биргаликда турли давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилаётган экан.

— Мен 249-мактабда ўқийман, — дейди ўзини Дилноза Аҳмедова деб таништирган ўқувчи қиз. — "Она тили" дарсида «Гриппдан эҳтиёт бўлинг!» мавзусидаги ёзма иш орқали бу касалликнинг қандай пайдо бўлиши, инсон организмига нечоғли хавф туғдириши ҳақида маълумот олган бўлсак, мактабимизда ташкил қилинган шифокорлар билан суҳбатда бошқа юқумли касалликлардан қандай ҳимояланиш тўғрисида билиб олдик.

Ҳа, поликлиника ходимлари касалликни даволагандан кўра унинг олдини олган маъқул, деган шиорга амал қилиб иш юритишаётир. Уларнинг фикрича, ўқувчи ёшларда бу касаллик ҳақида кўникма ҳосил бўлсагина шифокорлар ишининг самараси юқори бўлади.

— Поликлиникамиз Собир Раҳимов туманидаги Беруний, Хислат, Мирзо Ғолиб, Нақшбандий номидаги ва «Шифокорлар», «Олимпия» каби бир қатор маҳаллаларга хизмат кўрсатади, — дейди поликлиниканинг умумий амалиёт шифокори Моҳидил Рўзметова. — Айни дамларда юқумли касалликларга қарши эмлаш ишлари авжида. Бу касалликлар орасида грипп айниқса, болалар ва ўсмирлар саломатлигига жиддий хавф туғдириб, унинг асоратлари бепуштлик, зотилжам ва бошқа хавфли дардларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Буни яхши англаган юртдошларимиз вақтида тиббий муолажалар олишади, тез-тез қабулимизга келиб маслаҳат сўрашади. Аммо орамизда «бўш вақтим йўқ», деб даволанишни орқага сурадиганлар ҳам бор. Биз ана шундай инсонларга хизмат кўрсатишда бевосита маҳалла кўмагига таянамиз. Чунки маҳалла маслаҳатчилари қайси хонадонда ҳаёт қандай кечаётгани, уларнинг турмуш тарзини яхши билишади. Шунинг учун маслаҳатчилар доимий ва яқин кўмакдошимиз.

Ёш болаларда иммунитетнинг пасайиб кетиши, камқонлик содир бўлса, улар турли касалликларга тез чалинувчан бўлиб қолишади. Шунинг учун поликлиника рўйхатида турувчи болаларнинг саломатлиги доимо назоратда. Муассаса шифокорлари таъкидлаганидек, иммунитетни пасайтирмасликнинг йўли оддий. Бунинг учун ҳар бир оилада соғлом турмуш тарзи — овқатланиш тартиби, кундалик бадантарбия, меъёрида ишлаш ва дам олишга амал қилинса, бас.

**Юлдуз ҲОЖИЕВА, «Mahalla» мухбири.**

Санъат гулшани

# СЕҲРЛИ КУЧ ОЛАМИ

**Устоз-мураббийлар Баҳром ака ва Олия опа тўнғич фарзандига элда азиз, ардоқли бўлсин, деб Азиза исмини қўйишди. Ўқитувчилик касбини улуғлаган бу фидойи инсонлар бағрида жажжи қизалоқ куй-қўшиққа мойил бўлиб ўсди. Йиллар ўтиб қалбидаги ҳавас уни санъат оламига етаклади. Азиза иқтидори, қобилиятини санъат сирларини тушунишга, уни болажонлар қалбига сингдиришга ҳаракат қилган устоз-мураббий бўлиб етишди.**

Олий ўқув юртини битирган Азиза Полвонова дастлаб иш фаолиятини қўшни Сирдарё вилоятида Гулистон Давлат педагогика институтида бошлади. У Чиноз туманидаги мусиқа мактабига директор лавозимига тайинлангач, мактаб фаолияти кенгайиб юксала борди. Ўқувчилар сони ҳам ортди. Бу мусиқа мактаби 1960 йилда ташкил этилган бўлиб, унда уч нафар муаллим, 37 нафар ўқувчи бор эди. 2002 йилдан мусиқа ва санъат мактаби, дея номланган бу ўқув масканида айни дамда 263 нафар бола мусиқа сирларини ўрганмоқда.

Директорнинг хонасига кирганимда, у қоғозга нимадир ёзаётган эди.

— Бу йил мактабимиз 50 ёшга тўлди. Тантанали тадбир ўтказиш ниятидамиз. Шунинг режасини тузаяпман.

Қизғин тайёргарликдан сўнг туманда тадбир бўлиб ўтди. Тадбир куй ва қўшиқлар билан бошланди. Дастлаб мусиқа ва санъат мактаби доирачилар гуруҳи доира усулларини ижро этишди. Сўнгра хор жамоасининг чиқишлари намойиш этилди. Мактаб ўқувчилари, муаллимлари, собиқ битирувчилар иштирокидаги катта концерт барчанинг эътиборини ўзига тортди.

— Болаларни мактабимизга етти ёшдан жалб қиламиз, — дейди Азиза Полвонова. — Улар санъатнинг сирли оламига илк бор қадам қўйишаркан, унинг қудратли кучини ҳис этадилар, қалблари завқ-шавқ, эзгу туйғуларга тўлади. Мана шу туйғуни тарбиялаш, санъат сир-асрорларидан уларни хабардор этиш бизнинг асосий вазифамиз.

Дарвоқе, мусиқа ва санъат мактаби жамоаси санъат сирларини ўрганиш билан бирга туманда, вилоят ва республикада ўтадиган кўрик-танловларда, байрам тадбирларида фаол иштирок этишади. Йилдан-йилга мактабнинг моддий-техника базаси бойиб бормоқда. Ўқув жиҳозлари, компьютер техникалари ўқувчилар ихтиёрида. Олмазор, Янги Чиноз шаҳарчаларида, 4-вилоят сиҳатгоҳ-интернатида филиаллар ташкил қилинган. Шунингдек, республикамиздаги маданият ва олий ўқув юртлари билан изчил алоқа ўрнатилган.

Ўзбекистон Давлат Консерваториясининг профессори Феруза Абдураҳимова раҳбарлигидаги «Суғдиёна» халқ чолғулари камер оркестри билан ҳамкорликда 2007-2009 йилларда туманда бир қатор концертлар намойиш этилди.

Бугунги кунда Баҳодир Шомукаррамов, Холмат Полвонов, Татьяна Жалменова, Фотима Раҳмонова, Гулнора Полвонова, Ирина Володина, Абдусаттор Маликов сингари тажрибали ўқитувчилар мактабнинг фахри саналишади. Улар бошчилигидаги фортепьяно, доира, дутор, рақс, мақом каби бўлимларда сабоқ олган ўқувчилардан кўпчилиги республика танловлари совриндори бўлишган.

— 2008 йилнинг 7 январида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009—2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши қабул қилинди. Шуниси диққатга моликки, қабул қилинган дастурга асосан Чиноз мусиқа ва санъат мактабининг янги замонавий биноси қурилади, — дейди Азиза Полвонова. — Бу эса жамоамизга янада куч-ғайрат бағишлаши тайин.

Ҳа, ҳаракатчан, ўзига ҳам, ходимларга ҳам талабчан Азиза Полвонова ўз меҳнат фаолиятининг асосий қисмини мазкур мактаб билан чамбарчас боғлаган. Шу боис у эл назарига тушди, ардоқ топди. Унинг меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланиб, 1999 йилда «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Айни пайтда фаол жамоатчи Азиза Полвонованинг туман маданият ходимлари касаба уюшмаси раиси, туман раҳбар аёллар маркази етакчиси сифатидаги беминнат хизматлари ҳам эл назарида.

**Ҳабиба ШЕРОВА,**
**«Mahalla» мухбири.**

Эй, сиз одамлар, эсиз одамлар...

**Олий маълумотга эга бўлишни, бунинг натижасида яхши бир касб бошини тутишни ким ҳам истамайди дейсиз?! Зеро, илмга чанқоқлик юртдошларимизнинг ҳаётий интилишларига мос фазилатдир. Эл орасида зиёлиларга ўзгача меҳр билан қаралиши боиси ҳам шундан. Мамлакатимизда ҳар йили юз минглаб ёшлар улкан орзу умидлари билан олий таълим муассасаларига ҳужжат топширишади.**

# «ТАЙЁР ДИПЛОМ КЕРАКМИ?..»

Синовлардан муваффақиятли ўтган билими зўр, сергайрат ёшларгина талаба деган бахтга муносиб кўрилади. Бироқ олий таълим даргоҳига ўқишга кириш — бу ҳали ҳаммаси эмас. Талабанинг йиллаб меҳр билан ўқиши, илм эгаллаши, изланишига тўғри келади. Ана шундай ўзига хос машаққатли йўл не-не заҳматлар билан босиб ўтилгач, унга ваколатли комиссия қарори асосида ўқув даргоҳининг дипломи берилади. Табиийки, бу ҳужжат том маънодаги катта ҳаёт йўлида улкан имконият эшикларини очади.

Бадир Худойназаров (исм-шарифи ўзгартирилди) дипломли бўлишнинг хамирдан қил суғургандек осон усулини амалиётга жорий қилди. Бу усулга кўра, «арзимас» бир ҳужжат учун кўз-нурию қалб қўрини сарфлаб ўқишнинг сира ҳам ҳожати йўқ. «Мурод»га етиш учун жиндай харажат қилинса бас, диплом чўнтақда деяверинг.

Бадир Худойназаров бахтига (аслида бахтсизлигига) ҳаётда тоққа чиқмай туриб дўлана ейишни истайдиганлар оз эмас экан. Ёши салкам олтмишни қоралаб қолган қаҳрамонимиз шундайларни излаб топиб, «холис хизмат» кўрсата бошлади. У ўзининг жиноий шериклари билан биргаликда ўқишга кириш ниятида юрган фуқароларни топиш, уларни қонуний йўл билан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетига, Тошкент Ирригация ва мелиорация ҳамда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтларига ўқишга олиб киришга ишонтирди. Шубҳадан холи бўлиши учун гуруҳ аъзолари талабгорларидан қабул комиссиясига топширилиши лозим бўлган ҳужжатларни, жумладан, паспорт, ўрта ёхуд ўрта махсус таълим олганлиги тўғрисидаги шаҳодатнома, меҳнат дафтарчаси, шунингдек, тиббий маълумотномаларни олишади. Буларнинг эвазига уларга ўқишга ҳужжат топширганлиги, ўқиётганлиги (масалан, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг махсус сиртқи бўлимида) тўғрисида сохта маълумотномалар, контракт пули тўлангани ҳақидаги патта, талабалик гувоҳномаси ва рейтинг дафтарчасидан кўчирмалар беришади.

Бир гал Бадир Худойназаров Жиззах шаҳрида матбаа фаолияти билан шуғулланувчи хусусий тадбиркор Б.Шерзодовга ўзини Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг махсус сиртқи бўлими ўқитувчиси сифатида таништириб, Тошкент шаҳрига бориб-келиш қийинчилик туғдираётгани сабабли университетга оид ҳужжатларни чоп этиб беришни сўрайди. Тадбиркор унинг илтимосини рад этмайди. Бадир Худойназаров эса чоп қилинган бланкаларга сохта маълумотномаларни киритиб, ҳужжат сифатида фуқароларга тақдим қилаверади.

Ўзининг жиноий фаолиятини яшириш ва одамларнинг ишончини қозониш бўйича Бадир Худойназаров катта тажрибага эга бўлган экан. У уюшган гуруҳ ташкилотчиларидан ҳисобланган. З.Нургалиев билан бирга кишиларга Тошкент давлат педагогика университетининг қалбаки гербли думалоқ ва махсус сиртқи бўлимга тегишли элипс шаклдаги муҳрлари босилган бланкаларни беришган.

Жиноий гуруҳ раҳбари фаол аъзоларидан бўлган Қ.Абдуалимов билан бирга «мижоз» излаб юрт кезишар экан, ўқишга кириш иштиёқидаги ёшлар ва уларнинг ота-оналарига, шунингдек, жон куйдирмай бир йўла дипломли бўлиш истагидаги кишиларга ўзларини Тошкент Ирригация ва мелиорация институти ҳамда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг махсус сиртқи бўлими ўқитувчиси, декан муовини, ҳатто декан деб таништиришдан тап тортмаганлар.

Гуруҳ йўлбошчилари жиноий даромадларини ошириш мақсадида республикамизнинг турли ҳудудларидаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқитувчиларини ҳам жалб қилганлар. Улар орасида Термиз давлат университети, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти қошидаги 1-сонли академик лицей, Қумқўрғон туманидаги мактаб ўқувчилари, Тошкент ва Жиззах шаҳарларида яшовчи шахслар ҳам бор. Бу шахслар олий маълумотли бўла туриб, бошқача айттанда, қўл ураётган ишлари жиноятдан ўзга нарса эмаслигини била туриб ҳам ўзларига тақсимланган вазифалар ижросини таъминлаганлар. Улар ўнлаб фуқароларнинг ишончига кириб, ўқишга жойлаштириш баҳонасида сохта маълумотлар беришган ва фирибгарлик йўли билан уларнинг катта миқдордаги пули, шунингдек, ҳужжатларини олишган. Орттирилган даромаднинг бир қисми уюшган гуруҳ аъзолари ўртасида тақсимланиб, қолгани фаолиятларини янада ривожлантиришга сарфланган.

Масалан, Бадир Худойназаров ва унинг жиноий шериклари Самарқанд вилояти Булунғур туманида яшовчи фуқаро Қ.Шерқуловга 600 000 сўм эвазига Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг «Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият» йўналишини 2006 йилда тамомлаганлиги ҳақидаги бакалавр дипломини берган. Тайлоқ туманида яшовчи М.Ҳазратқулов номига тўлдирилган Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг «Ўзбек тили ва адабиёти» йўналишини 2008 йилда тамомлаганлиги тўғрисидаги қалбаки диплом 500 минг сўмга пуллаган. Жиззахлик А.Беширов 900 000 сўм эвазига Низомий номидаги ТДПУнинг «Бошланғич таълим» йўналишини 2006 йилда «тугатган».

Жиноий гуруҳ аъзолари «иш»лари хамирдан қил суғургандек силлиқ кетаётганидан руҳланиб, республикамизнинг Сурхондарё, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё ва Тошкент вилоятлари бўйлаб тез-тез «гастрол»да бўлишган. Улар йўл-йўлакай топилган "мижоз"ларнинг шаштини қайтармай, сохта дипломларни «бор барака», дея 400 000 сўмдан 1 200 000 сўмгача пуллайверганлар.

Аммо бора-бора Бадир Худойназаров ва жиноий гуруҳнинг бошқа аъзолари қалбаки диплом сотишдан келаётган даромадга қаноат қилмай қўйишган. Очкўзлик, молдунёга муккасидан кетиш уларни янгидан-янги усулларни қўллаб янаям кўпроқ пул топишга ундайди. Натижада «сервис хизмати» кўрсатишнинг янги тури «кашф» қилинади. Жиноий гуруҳ аъзолари олий ўқув юртларига ўқишга кириш иштиёқидаги ёшларни айниқса, тест синовларидан ўта олмаган абитуриентларнинг ота-оналарини топиб, уларни алдаш йўли билан янада йирикроқ маблағ орттириш ҳаракатига тушади.

Бу галги келишувларда сўм ўрнига АҚШ доллари "муомалага" киритилади. Мисол учун Термиз давлат университети олдида фуқаро Т.Кабировга Низомий номидаги ТДПУнинг Махсус сиртқи бўлимига қонуний йўл билан ўқишга киритиш ваъда қилинади. Унинг шахсига оид ҳужжатлар қабул қилиниб, 2200 АҚШ доллари хизмат ҳақи сифатида олинади. Бу камлик қилгандек «бўлажак талаба»дан «контрактни тўлаш учун» яна қўшимча 820 000 сўм пулни санаб олишади. Жиноий гуруҳ раҳбари ва унинг аъзолари ана шундай «тадбир»лар натижасида ўқиш иштиёқидаги бир неча ўнлаб юртдошларимизни чув тушириб кетишади.

Омад оти чопганидан руҳланган жиноий гуруҳ аъзолари хизмат ҳақи, «контракт тўлови» ёнига «арзимас» бўлса ҳам янги — «семестрни ёпиш ҳақи»ни ҳам жорий қилишади. Ўқишга кириш учун зарур бўлган ҳужжатларни ва қўшимча пулларни қўлга киритган «зиёли»лар, юқорида таъкидлаганимиздек, ишончга тўла кириш мақсадида фуқароларга ҳужжатлари олингани ҳақида тилхат, контракт тўлови тўлангани тўғрисида патта, бўлимда ўқиётгани ҳақида маълумотнома, рейтинг дафтарчасидан кўчирма ва ҳатто талабалик гувоҳномасини тақдим қилишади.

Бундай тезкорлигу "олий-жаноблик" кўпларни хушнуд этади. Айниқса, орзусидаги ўқишга кирганини исботловчи талабалик гувоҳномасини қўлга олишнинг ҳаяжони ўзгача бўлади. Афсуски, ана шундай ўткинчи ҳислардан боши айланган кўплаб ишонувчан кишилар фикру хаёли пул топиш бўлиб қолган молпарастлар домига тушганларини сезмай қолаверадилар. Алданганларини эса кеч англайдилар.

Ҳар қандай ибтидонинг ҳам интиҳоси бўлади. Бадир Худойназаров бошчилигидаги жиноий гуруҳ шиширган улкан пуфакнинг ёрилиш вақти келди. Ўнлаб юртдошларимиз рост деб ишонган ҳақиқатлари сароб бўлиб чиқди. Дипломларнинг ҳаққонийлигини аниқлаш мақсадида юқорида номлари зикр қилинган олий ўқув юртларига юборилган хатларга бу турдаги дипломлар рўйхатдан ўтмагани ва олийгоҳда уларнинг эгаларига тегишли ҳужжатлар мавжуд эмаслиги ҳақида жавоблар олинди. Булардан ташқари, судга оид хатшунослик ва техник-криминалистик экспертизанинг хулосалари ҳам дипломлардаги ёзув ва муҳрлар қалбаки эканлигини исботлади. Кўплаб гувоҳ ва жабрланувчиларнинг кўрсатмалари гуруҳ аъзоларининг зарарига «ишлади». Шу тариқа жиноий иш бўйича юритилган тергов-суриштирув материаллари бир неча томга етдики, бунинг натижаси маълум. Айбдорлар қилмишига яраша жазо олдилар.

**Н.АСЛОН,**
**журналист.**

Яхшилар ёди

# У ЭЛ ДАРДИ БИЛАН ЯШАДИ...

**Орадан анча йиллар ўтган бўлса-да, бу воқеа ҳали-ҳануз ёдимда. Айни қиш фасли. Ўша куни кечқурун изғирин кучайди. Ишдан уйга қайтсам, кенжа фарзандим иситмалаб ётибди. Аксига олиб, электр токи ўчган. Хаёлимга биринчи бўлиб келган фикр — маҳалламиздаги шифокор Эркин акани топиш бўлди.**



Эркин аканинг уйи анча узоқда эди. Борсам дўхтирнинг ўзи ҳам бетоб бўлиб, бир-икки кундан буён ишга чиқмаётган экан. Воқеадан хабар топгач, дарҳол кийиниб, мен билан бирга йўлга тушди. Етиб келгач бир зумда касал ётган боламга доридармон бериб, ўзига келтирди.

Эркин акани кузатиш учун кўчага чиқдим. Бундай қарасам, оёғидаги ковушнинг ичига қор тўлиб, жиққа ҳўл бўлибди. «Оёғингизга ковуш киймасдан, этик кийсангиз бўларди-ку», десам: «Боланинг жони оғриб турганда мен оёқ кийим ҳақида ўйлармидим», деб жавоб берди. Ҳозир ўша фарзандим улғайиб, бақувват, соғлом йигит бўлган. Ҳар сафар унга қараб, орамизда яхши инсонлар кўплиги, шу сабабли ҳам ҳаётимиз фаровонлиги ҳақида ўйлайман. Қишлоғимизда Эркин ака билан боғлиқ бундай воқеаларни кўплаб хотирлаш мумкин.

Бу фидойи инсон Яккабоғ туманининг Шов қишлоғидаги ҳозирги «Дархон» маҳалласида туғилиб ўсган. Ўз орзуларини рўёбга чиқариш мақсадида Самарқанд Тиббиёт институтини имтиёзли диплом билан тамомлаган ёш шифокор иш фаолиятини дастлаб Яккабоғ туманидаги марказий шифохонада бошлади. Кейинчалик билимдонлиги, фидойилиги, ташкилотчилиги ҳисобга олиниб, қишлоқ врачлик пунктига бош врач этиб тайинланди.

У фаолияти давомида ёш шифокорлардан ёрдамини аямади, бор билими ва тажрибасини уларга ўргатди. Бугунги кунда кўплаб шогирдлари табобат сирларини ўрганиб, эл соғлиғи йўлида хизмат қилиб келмоқда.

Афсуски, бу жонкуяр инсон ёруғ дунёни эрта тарк этди. Бироқ «Дархон» маҳалласи фуқаролар йиғинидаги 8 та қишлоқнинг ҳар бир фуқароси эл дарди билан яшаган бу меҳрибон ва самимий инсонни ҳануз ҳурмат билан эслашади.

— Биз кексаларга меҳру муҳаббати, эътибори жуда баланд эди, — дейди 85 ёшли меҳнат фахрийси Имом ота Жуманов. — Маҳалламиздаги иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг барчаси Эркин Очиловнинг назоратида эдик. Бундай хокисор, жонкуяр шифокор ўз умрини, ҳаётини халқ саломатлигига бағишлади.

Ўзим ҳам кўп бора гувоҳ бўлганман, Эркин ака ёнига ёрдам сўраб келган ҳеч бир кишини ноумид қайтармаган. У ўз билим ва тажрибасини тиббиёт янгиликлари билан бойитиб, уни амалга жорий этгани, халққа қилган беминнат хизматлари учун ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. Энг асосийси, эл севган шифокор бутун қишлоқ ва маҳалла аҳлининг ҳурмати, меҳрига сазовор бўлганди.

Маҳалламизда ўтказиладиган байраму тадбирларда бу фидойи инсонни кўп эслаймиз, унинг фазилатларини ёшларга ўрнак қилиб кўрсатамиз. Орамиздан бевақт кетган маҳалламиз шифокорининг эса руҳи шод бўлсин, дея ният қиламиз.

**А.ХОЛИҚОВ,**
**«Дархон» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.**

*Ҳуқуқий луғат*

## ҲАР СЎЗНИНГ ЎЗ МАЪНОСИ БОР

**Олдиндан аён бўлиш** — қонунда баён этилган хулқ-атвор ва шарт-шароитларга муносабат ва бу муносабатнинг шахс улардан хабардорлигидан далолат бериши.

**Олдиндан тил бириктириш** — жиноят иштирокчилари ўртасида жиноят содир этиш ёки жиноий фаолият билан шуғулланиш тўғрисида бундай ҳаракатларни амалга оширишдан аввал келишиб олиш.

**Тамом бўлган жиноят** — муайян таркибининг барча зарур аломатларини ўз ичига оладиган ижтимоий хавфли қилмиш.

"Mahalla" жавоб беради

# ТУНГИ ВАҚТДАГИ ИШ УЧУН ҲАҚ ТЎЛАНАДИ

***САВОЛ:* — Ўғлимнинг тез-тез тунги сменада қолиб ишлашига тўғри келади. Айтинг-чи, тунда қолиб ишлаш вақтига қўшимча маош тўланадими?**

Муҳаббат ЎРАЗАЛИЕВА.
Сирдарё вилояти Ширин шаҳри.

**ЖАВОБ:** — Меҳнат кодексининг 122-моддаси 1-қисми ҳамда 158-моддасида назарда тутилганидек:

— агар ходим учун белгиланган кундалик иш (смена) муддатининг камида ярми тунги вақтга тўғри келса, тунги иш вақти муддати бир соатга, иш ҳафтаси муддати ҳам шунга мувофиқ равишда қисқартирилади;

— тунги вақтдаги ишнинг ҳар бир соати учун камида бир ярим баравар миқдорда ҳақ тўланади.

Тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Тунги вақтдаги иш учун оширилган миқдорда тўланган ҳақ тариф ставкаларига (мансаб маошларига) қўшилмайди.

# ТОВАРИНГИЗ СИФАТСИЗ ЧИҚСА...

***САВОЛ:* — Яқинда нарса харид қилиш учун дўконга кирганимда янги келтирилган кир ювиш кукунига (порошок) кўзим тушди. Бу ҳақида сотувчидан сўраганимда у маълумот беришдан бош тортди. Бундай ҳолатлар кузатилганда товардаги ноқисликлар учун сотувчи жавоб берадими?**

Моҳигул СОДИҚОВА.
Андижон вилояти Булоқбоши тумани Найман қишлоғи.

**ЖАВОБ:** — Сотувчи сотишга таклиф қилинган товар тўғрисида сотиб олувчига зарур ва тўғри ахборотни унинг мазмуни ҳамда тақдим этиш усулига нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган ёки, одатда, чакана савдода қўйиладиган талабларга мувофиқ ҳолда бериши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 427-моддасида кўзда тутилганидек, сиз чакана олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар товарни кўздан кечириш, сотувчи олдида товарнинг хоссаларини текширишни ёки товардан қандай фойдаланишни кўрсатишни, агар бу ҳол товарнинг хусусияти туфайли истисно қилинмаса ва чакана савдода қабул қилинган қоидаларга зид бўлмаса, талаб қилишга ҳақлисиз.

Агар сизга товар тўғрисида дарҳол ахборот олиш имкони берилмаган бўлса, чакана олди-сотди шартномасини тузишдан асоссиз бош тортилгани туфайли сиз кўрган зарарни тўлашни сотувчидан талаб қилишга, агар шартнома тузилган бўлса, оқилона муддатда шартномани бажаришдан бош тортишга, товар учун тўланган суммани қайтаришни ва зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақлисиз.

Сотиб олувчига товар тўғрисида тегишли ахборот олиш имконини бермаган сотувчи харидорга сотилгандан сўнг товардан пайдо бўлган камчиликлар учун ҳам, агар сотиб олувчи бу камчиликлар ўзида бундай ахборот бўлмагани сабабли юзага келганини исботласа, тегишли тартибда жавоб беради.

**Саволларга ҳуқуқшунос Жаҳонгир АБДУРАИМОВ жавоб берди.**

Хабарлар

Футбол:

## РАҚИБЛАРИМИЗ МАЪЛУМ

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 7—27 ноябрь кунлари Хитойнинг Гуанчжо шаҳрида XVI Осиё ўйинлари бўлиб ўтади.

Шу муносабат билан ўтган ҳафтанинг сўнгги кунларида Гуанчжо шаҳрида Осиё футбол конфедерацияси томонидан мусобақанинг футбол баҳсларига қуръа ташлаш маросими ташкил этилди. Қуръа натижаларига кўра Ўзбекистон олимпия терма жамоаси "Е" гуруҳидан ўрин олиб, Бирлашган Араб Амирликлари, Гонконг ва Бангладеш вакиллари билан беллашади.

Кичик олимпиададаги футбол баҳслари 7—25 ноябрь кунлари ўтказилади.

**Гуруҳлар таркиби**

**"А" гуруҳи:** Хитой, Малайзия, Қирғизистон, Япония
**"В" гуруҳи:** Эрон, Вьетнам, Баҳрайн, Туркманистон
**"С" гуруҳи:** Жанубий Корея, Фаластин, Иордания, КХДР
**"Д" гуруҳи:** Қатар, Қувайт, Ҳиндистон, Сингапур
**"Е" гуруҳи:** Ўзбекистон, БАА, Гонконг, Бангладеш
**"F" гуруҳи:** Ироқ, Мальдив ороллари, Уммон, Таиланд

## "ПАХТАКОР" — "МУСТАҚИЛЛИК КУБОГИ" СОҲИБИ

Пойтахтимиздаги "Пахтакор" марказий стадионида футбол бўйича ёшлар ўртасида "Мустақиллик кубоги" – 2010" мусобақаси ўтказилди.

12 та футбол жамоаси қатнашган мазкур турнирда Тошкентнинг икки – "Пахтакор" ва "Ёшлик" жамоалари финалда ўзаро рўбарў келишди. Ўз уйингда деворлар ҳам суяйди, деганларидек, ёш пахтакорчилар рақибларини 1:0 ҳисобида доғда қолдириб, бош совринни қўлга киритди.

Қўл жанги:

## ЕВРОПА ЧЕМПИОНАТИДА ЎЗБЕКИСТОН БИРИНЧИ

Украинанинг Киев шаҳрида қўл жанги бўйича якунланган Европа очиқ чемпионатида мамлакатимиз спортчилари Россия, АҚШ ва Украина терма жамоаларини ортда қолдириб, умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллади.

Мусобақада 18 та мамлакатдан 210 нафар спортчи ўз вазнларида ғолиблик учун кураш олиб боришди. Муросасиз беллашувлар натижасига кўра, ҳамюртларимиздан Р.Магдиев, Б.Раҳматов, А.Эргашев ўз вазнида 1-ўринни эгаллаган бўлса, И.Холмуродов 2-ўрин, О.Сирожиддинов 3-ўринни қўлга киритди.

Чемпионат мобайнида қўл жанги бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Рустам Магдиев мусобақанинг энг кучли спортчиси, дея эътироф этилиб, кубок билан тақдирланди.

# Таэквондо(ВТФ): ТОШКЕНТ ЧЕМПИОНЛАРНИ ОЛҚИШЛАДИ

**Тошкентда яна бир нуфузли спорт тадбири – таэквондонинг "пумсе" йўналиши бўйича жаҳон чемпионати муваффақиятли ўтди.**

Бутунжаҳон таэквондо федерацияси(WTF), Ўзбекистон таэквондо(WTF) ассоциацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Миллий олимпия қўмитаси ташкилотчилигида 8—10 октябрь кунлари ўтган чемпионатда дунёнинг 60 га яқин мамлакатидан 450 нафардан зиёд спортчи қатнашди. Чемпионат мобайнида спортчилар 28 та олтин, 28 та кумуш ва 56 та бронза медаллари учун курашишди.

Айтиш лозимки, Бутунжаҳон таэквондо федерацияси(WTF) дунё бўйлаб ушбу спорт турининг "курёги" ва "пумсе" йўналишларини ривожлантириб келмоқда. Корея миллий спорт тури бўлган таэквондонинг "курёги" йўналиши олимпия ўйинлари тизимига киритилган. Мамлакатимиз таэквондочилари ушбу йўналиш бўйича ўтказилган нуфузли спорт мусобақаларида бир неча бор иштирок этиб, дунё майдонларида Ватанимиз номини улуғлади.

Тошкентда таэквондонинг "пумсе" йўналиши бўйича ўтган V жаҳон чемпионати мамлакатимиз спортчилари учун янги зарварақларни очганлиги билан аҳамиятли бўлди. Юртимиз спортчиларининг 20 нафари мазкур мусобақада дунёнинг кучли таэквондочилари билан беллашди.

Айниқса, 16 ёшли Зафар Сатторовнинг зўрлар орасида зўр бўлиб бронза медалига мушарраф бўлиши, мамлакатимизда болалар спортига берилаётган эътиборнинг нечоғли самарали кечаётганлигини, юртимиз ёш спортчиларининг жаҳон спорт майдонида ўз ўрнини тобора мустаҳкамлаб бораётганлигини кўрсатди. Шунингдек, вакилларимиздан Александр Ли ва Ириной Дергач жуфтлиги кумуш ва Александр Лим, Михаил Афиногенов ҳамда Александр Ни ҳамкорлиги жамоавий баҳсда бронза медалига сазовор бўлди. Чемпионат давомида медалларга сазовор бўлган 19 мамлакат орасида Ўзбекистон спортчилари ҳам борлиги эътиборлидир.

— Ушбу нуфузли чемпионатнинг мамлакатимизда ўтказилиши биз мураббийларга катта мактаб вазифасини ўтади, — дейди фарғоналик тажрибали мураббий Бобур Қўзиев. – Шогирдларимиз чемпионатда кўзланган натижаларга эриша олмаган бўлса-да, муҳими тажрибалари ошди. Бу эса олимпиада ва жаҳон чемпионатларида, албатта, ўз натижасини беради. Ишонаманки, келажакда бу ёшларимиз орасидан Ватанимиз номини халқаро майдонларда улуғлайдиган ўнлаб спортчилар камолга етади.

**Тўлқин РЎЗИЕВ.**

Баркамол авлод — юрт келажаги

# БЎШ ВАҚТ СПОРТ МАЙДОНЧАЛАРИДА ЎТАДИ

**Фарғона шаҳридаги намунали маҳаллалар ҳақида гап кетганда, шубҳасиз, 43-сонли Нодирабегим номидаги маҳалла фуқаролар йиғини алоҳида тилга олинади. Бу бежиз эмас, албатта. 21 та кўпқаватли уйдаги 1129 та оилада 12 миллат вакилларидан иборат 4200 нафар аҳоли тинч ва фаровон умргузаронлик қилиб келади.**

Бокс бўйича Республика чемпиони 8-синф ўқувчиси Отабек Собировга маҳалла раиси Дилфуза Хўжаева эсдалик совғасини топширмоқда.

Маҳаллада кейинги йилларда ибратга лойиқ ишлар амалга оширилаётир. Ушбу масканда турли кўнгилочар тадбирлар, спорт мусобақалари, маҳалла фаоллари иштирокида давра суҳбатлари, очиқ мулоқотларнинг мунтазам ўтказиб келинаётгани ўзининг ижобий самарасини беряпти. Шу боис кейинги йилларда ўсмирлар ўртасида бирорта ҳам жиноят ёки ҳуқуқбузарлик ҳолати содир этилгани қайд қилинмади. Ёшлар бўш вақтларини спорт майдончаларида ўтказишади.

Кўпқаватли уйлар орасидаги 5 та болалар спорт майдончаси маҳалланинг ўз кучи ва маблағи ҳисобидан эрта баҳорда таъмирланиб, тартибга келтирилди. Болалар майдончаларини таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларида фаолларимиз, ёшлар ҳам фаол иштирок этишди. Айни кунларда бу майдончаларда кичкинтойлар бўш вақтларини мазмунли ўтказишяпти. Бундан ташқари, ҳудуддаги Олимпия захиралари спорт коллежининг 27 та спорт тўгараги ҳам маҳалла ёшлари билан банд.

— Болалар спортига эътибор соғлом авлод тарбиясига қўйилган пойдевордир, — дейди Нодирабегим номидаги маҳалла фуқаролари йиғини раиси Д. Хўжаева. — Юртимизда бу борада қатор хайрли ишлар амалга оширилаётгани боис бизнинг маҳалламиздан ҳам бир неча спорт усталари, чемпионлар етишиб чиққан. Сузиш бўйича республика чемпиони Азизахон Раҳимова, кураш бўйича Осиё чемпиони Максим Тимофеев, каратэ бўйича чемпион Умиджон Шобиддинов сингари маҳалламиз спортчилари билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Маҳаллада Баркамол авлод йили муносабати билан "Баркамол авлод — юрт келажаги" шиори остида йил бошидан буён 6 маротаба турли спорт мусобақалари ўтказилди. Мусобақаларда фаол иштирок этаётган ёшлар маҳалла томонидан мунтазам рағбатлантириляпти. Вилоят миқёсида ўтказилаётган спорт тадбирларида ҳам маҳалла ёшлари доимо фаол қатнашиб келишаётир.

Маҳалла фаоллари ташаббуси билан мавжуд 5 та болалар майдончасида "Маҳалламиз паҳлавонлари", "Футболимиз келажаги" сингари қатор республика турнирлари ўтказиб келинаётир. Мусобақаларда иштирок этаётган спортчи ёшлар фахрли ўринларни қўлга киритишяпти. Албатта, маҳаллаларда барпо этилаётган бундай спорт майдончалари ёшларни ҳам жисмонан, ҳам маънан етук инсонлар этиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Айтиш жоизки, туманимиздаги бошқа маҳаллалар мутасаддилари, фаоллари ҳам болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга кўмаклашиш мақсадида ўз ҳудудларида спорт майдончаларини ташкил этишаётир. Бундай саъй-ҳаракатлар, олиб борилаётган чора-тадбирлар замирида, шак-шубҳасиз, эзгу мақсадлар мужассам.

**Азамат МАҲМУДОВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

Гузардаги гурунглар

**Болалигим қишлоқда ўтган. Урушдан кейинги йилларда маҳалламизда турли миллат вакиллари, жумладан, корейслар ҳам истиқомат қиларди. Улар кўпроқ шоличилик билан шуғулланишарди.**

**Корейслар тилимизни, урф-одатларимизни, анъаналаримизни жуда ҳурмат қиларди. Бунга кўп бор гувоҳ бўлганман, одамлардан ҳам эшитганман. Қуйида шундай воқеаларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола этмоқчиман.**

## ХАЛФАНА

Даврада ўтирган Абдусамад дўстларига қарата савол берди:

— Ёшлигимизда биримиз гуруч, биримиз ёғ, биримиз гўшт олиб келиб ош қилиб ердик. Шу таомнинг номини нима дерди?

Ҳамма ўйланиб қолди. Шунда даврада ўтирган Николай Цой гапга қўшилди:

— Халфана ошми? Уни биз ҳам еганмиз.

Даврада енгил кулги кўтарилди.

## ТЎЁНА

Тенгдошимиз Муртазо Қаландаров уйланаётган эди. Ҳовли меҳмонлар билан гавжум. Шу пайт ён қўшниси Владимир Ким кириб келди. Қучоқлашиб саломлашаркан, куёвнинг акаси Эргашга:

— Тўй қуллуқ бўлсин, — дея тўёна пули узатди...

## ЎЗБЕКЧА ТЎЙ

Геннадий Син ўғли Валерани уйлантирганда маҳалладаги ўзбек қўшниларини ҳам никоҳ базмига таклиф қилади. Аммо айрим қўшнилар тўйга кела олмайди.

«Мен ҳамманинг ошига борганман», деб гина қилган Гена кейинги кун эртасига қўй сўйиб, ош дамлади ва ўзбек дўстларига алоҳида тўй қилиб берди.

**Хислат ТЎРАҚУЛОВА,**
**журналист.**

## ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ



Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 14 октябрь куни Тошкент шаҳрида ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-7, кундузи 23-25 даража иссиқ бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2-7, кундузи 17-22 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 4-9, кундузи 21-26 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 4-9, кундузи 21-26 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ғарбдан эсаётган шамол йўналишини ўзгартириб, шарқдан секундига 7-12 метр тезликда эсади. Кечаси 4-9, кундузи 21-26 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 6-11, кундузи 22-27 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, айрим туманларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 4-9, кундузи 21-26 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли туманларида ҳаво ўзгариб туради, айрим туманларда ёмғир ёғади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 1-6, кундузи 8-13 даража иссиқ бўлади.

**(ЎзА)**

Турфа олам

## ЭНГ ТЕЗУЧАР САМОЛЁТ

**Конкорд — учиш тезлиги товуш тезлигидан юқори бўлган дунёдаги ягона самолёт. Бу самолёт пайдо бўлиши билан ҳаво транспортида ҳақиқий инқилоб юз берди.**

1950 йил бошларида британиялик ва франциялик муҳандислар бир пайтда товуш тезлигидан-да тез уча оладиган ҳаво лайнери устида иш олиб бордилар. Сўнгра 1962 йилда Британиянинг "British-Eyrkraft" ва Франциянинг "Aerospasyal" корпорацияларининг етти йиллик меҳнатлари натижасида 100 ўринли ихчам Конкорд самолёти яратилди.

Дастлаб 1969 йил 2 мартда Францияда синаб кўриш мақсадида ҳавога кўтарилган самолёт самода узоқ вақт парвоз қилди. Бу синовдан сўнг унга "Энг синалган самолёт" номи берилган эди. Ниҳоят 1976 йилда Конкорд "British Airveys" ва "Air Frans" томонидан сотиб олинди. Ҳозирги кунда бу авиакомпанияларнинг ҳар бирида еттитадан Конкорд мавжуд.

Конкорднинг узунлиги — 62,1 метр, қанотлари — 25,5 метр. У 18300 метр баландликда "Мах-2" тезлигида уча олади. У асосан Лондон ва Париждан Нью-Йоркка учган. 1990 йилда Конкорднинг Нью-Йоркдан Лондонга учиш жараёнидаги вақт рекорд натижани 2 соату

45 дақиқани кўрсатган, яъни бу натижа Конкордни Атлантика океанини 3 соат ичида кесиб ўтишини билдиради.

Гарчи Конкорд технология нуқтаи назаридан мўъжиза ҳисобланса-да, унинг тижорат борасида омади чопмади. Конкордни ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш тўхтатилди.

**Нигора ИМОМНАЗАРОВА**
**тайёрлади.**

## ҲАЁТ БАМИСОЛИ КЎЗГУ

Ҳунар шундай отдирки, у минган кишини роҳат ва фароғат манзилига етказади.

* * *

Адаб — ақл ва имоннинг чироғи, обрў-эътибор сармоясидир.

* * *

Фаровонлик истасанг, бахтли бўлганингда ҳам дўст орттиришга интил. Зеро, дангиз ҳар қанча тўлиб-тошса ҳам мудом дарё сувига муҳтождир.

* * *

Ҳаёт бамисоли кўзгу — ҳар бир инсон унда ўз аксини кўради. Агар хўмрайиб боқсанг, ҳаёт ҳам сенга зарда билан қарайди. Унга доим табассум билан боқ, ана шунда ҳаёт сенга дўстона қўл чўзади.


Mahalla
ижтимоий-сиёсий ва маърифий ҳафталик газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Муассис: Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
236-53-93 233-10-73
236-53-75, 236-57-62
Факс: — 233-39-89

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма тобоқ.
Навбатчилар: Т.Акбаров, Ф.Эгамова
Мусаҳҳиҳ: Гўзал Норчаева
Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Босмахона манзили:
Тошкент ш., "Буюк Турон" кўчаси 41.

www.mahallagzt.uz mahalla@sarkor.uz
15815 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-913 Топширилди — 00.30 1 2 3 5